

**Муқаддас Китоб
ва Қуръон ҳақида
200 та савол**

Даниел Викваер

2018

200 та савол

Мундарижа

Муқаддас Китоблар	1-24
Худо ва Оллоҳ	25-50
Муқаддас Руҳ, Фаришталар, Жинлар ва Шайтон	51-65
Масиҳ ва Ҳазрати Муҳаммад.....	66-98
Инсон ва Гуноҳ	99-109
Нажот	110-123
Келажакдаги Нарсалар	124-132
Амалий Ҳаёт Масалалари	133-161
Душманлар ва Уруш	162-179
Тарихий Воқеалар	180-200

Муқаддас китоблар

1.

Худонинг Каломи абадий ва ўзгармас деб ҳисобланиладими? (Левхи Маҳфуз)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Ишаё 40:8 - Ўтлар қуриydi, гуллар сўлиб қолади, Худойимизнинг каломи эса абадий туради.

Юҳанно 1:1 - Бутун борлиқ Калом орқали яратилган, Усиз яратилган бирон нарса мавжуд эмас.

1 Бутрус 1:23 - Ахир, сизлар янгидан тузилгансизлар. Бу янги ҳаётни сизга фоний бандалар эмас, балки абадий ва ҳаётбахш Худонинг каломи ато этган.

Юнус 10:64 - Уларга ҳаёти дунёда ҳам, охиратда ҳам хушхабар бор. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартириш йўқ. Ана ўша улуғ ютуқдир.

Қоф 50:29 - Менинг ҳузуримда гап ўзгармас..

Изоҳ: Ислом тарихида бу масасладаги қарама-қарши қарашлар мусулмонларнинг ички урушига сабаб бўлган. Мотуридийлар бу саволга "Йўқ", Ашъарийлар эса "Ҳа" деб жавоб берганлар. Бугунги кунда мусулмонларнинг аксарияти "Ҳа" дейишади.

2.

Муқаддас Китоб Худонинг Каломи деб қабул қилинадими? (Таврот, Забур ва Инжил)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Римликлар 15:4 - Муқаддас битикларда нимаики ёзилган бўлса, бизнинг таълим олишимиз учун ёзилган. Биз бу битиклардан сабр ва тасалли топиб, умидимизда маҳкам туришимиз лозим.

1 Коринфликлар 14:37 - Агар бирор киши: "Менда Худонинг сўзини етказиш инъоми бор" ёки "Рухдан махсус бир инъом олганман", деб ўйласа, менинг ёзганларим Раббимиз Исонинг амри эканлигини эътироф этсин.

Нисо 4:136 - Эй иймон келтирганлар! У Ўз Расулига туширган китобга ва бундан олдин туширган китобга иймон келтиринг.

Анкабут 29:46 - «Биз ўзимизга нозил қилинган ва сизга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик..», денглар.

Шуро 42:15 - «Мен Аллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирдим.. Биз билан сизнинг орамызда жанжалга ўрин йўқ», деб айт.

3.

Худо Муқаддас Китобдаги ёзма хабарларини яҳудийлар орқали етказишни танладими?

Муқаддас Китоб Ха / Ха Куръон

Римликлар 3:1-2 - 1. Хўш, яҳудийларнинг қандай устунлиги бор? Ёки суннатнинг нима фойдаси бор? 2. Яҳудийлар ҳар жиҳатдан катта устунликка эгадирлар. Бу „шундан иборатки, Худонинг каломи уларга ишониб топширилган.

Римликлар 9:4 - Улар Исроил халқидир. Худо Ўзининг улуғворлигини уларга намоён қилиб, улар билан аҳдлар тузди. Ўз қонунини бериб, уларни Ўзининг хизматига тайинлади ҳамда уларга Ўз ваъдаларини берди.

Анкабут 29:27 - Биз унга Исҳоқни ва Яқубни бахш этдик ва Пайғамбарлик ҳамда китобни унинг зурриётида бўладиган қилдик.

Жосия 45:16 - Батаҳқиқ, биз Бани Исроилга китобни, ҳукмни ва Пайғамбарликни бердик, уларга пок нарсаларни ризқ қилиб бердик ва уларни оламлар ичида афзал қилдик.

4. *

Худо томонидан юборилганлигини тасдиқлаш учун Худо Муқаддас Китобдаги пайғамбарларга мўъжизалар қилиш қудратини берганми?

Муқаддас Китоб Ха / Ха Куръон

Чикиш 10:2 - Энди сизлар болаларингизга, набираларингизга буларни айтиб берасизлар деб, шу ишларни қилдим. Ана шунда Этангиз Мен эканлигимни ҳаммаларингиз билиб оласизлар.

Юҳанно 14:11 - „қилган ишларим туфайли ишонинглар.

Ибронийлар 2:4 - Худо ҳам бу хабарни тасдиқлади: У аломату мўъжизалар ва турли ажойиботлар кўрсатди, Ўз хоҳиш-иродаси бўйича, Муқаддас Рухнинг инъомларини улашиб берди.

Бақара 2:92 - Ва батаҳқиқ, Мусо сизларга равшан мўъжизалар ила келди.

Оли Имрон 3:49 - Аллоҳ изни билан туғма кўр ва пеларни тузатаман ва ўликни тирилтираман... Агар мўмин бўлсангиз, албатта, бунда сизга оят-белги бордир.

Оли Имрон 3:183 - «Мендан олдин ҳам сизларга Пайғамбарлар очиқ-ойдин баёнотлар ва сиз айтган нарса билан келганлар» деб айт.

5.

Худо Ўзининг барча Муқаддас Китобларини ўзгартиришлардан ва маъносини бузиб талқин қилишдан ҳимоя қилишни «истайдими»? (Мақсад / Ният)

Муқаддас Китоб **Ҳа / Ҳа** Куръон

Ишә 14:24 & 26-27 - 24. Сарвари Олам онт ичиб айтди: "Ҳа, Менинг белгилаганим бажо бўлади, Менинг режалаштирганим амалга ошади. 26. Бутун олам учун шу режани туздим, Бутун халқларга қарши қўлимни кўтардим." 27. Сарвари Олам режа қилган! Қани, буни ким бекор қила олади?! У халқларга қарши қўл кўтарди! Қани, Уни ким тўхтата олади?!

Матто 24:35 - Еру осмон йўқ бўлиб кетади, аммо Менинг сўзларим кучда қолади.

Хижр 15:9 - Албатта, зикрни Биз нозил қилдик ва, албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз.

Ас-Сафот 37:3 & 7 - 3. Зикрни тиловат қилгувчилар ила қасам. 7. Ва ҳар бир итоатсиз шайтондан сақлаш учун.

6.

Худо Ўзининг барча Муқаддас Китобларини ўзгартиришлардан ва маъносини бузиб талқин қилишдан ҳимоя қилишга «қодирми»? (Қувват / Қудрат)

Муқаддас Китоб **Ҳа / Ҳа** Куръон

Ишә 46:9-10 - 9. Мен Худоман, Менга ўшлагани йўқ! 10. Ниятларим бажо бўлади, Барча истакларимни ижро этаман

Марк 12:24 - Сизлар Муқаддас битикларни ҳам, Худонинг қудратини ҳам билмайсизлар, ана шу сабабдан адашяпсизлар.

Луқо 21:33 - Еру осмон йўқ бўлиб кетади, аммо Менинг сўзларим кучда қолади.

Ўҳанно 10:35 - Муқаддас битикларни ўзгартириб бўлмайди.

Анъом 6:115 - Унинг сўзларини ўзгартувчи йўқ.

Юнус 10:64 - Аллоҳнинг сўзларини ўзгартириш йўқ. Ана ўша улуг ьутқдир.

Жин 72:26-28 - 27. Магар Ўзи рози бўлган Пайғамбарлар. Албатта Аллоҳ унинг олдидан ҳам, ордидан ҳам кузатиб юрвчи қўйиб қўядир. 28. Пайғамбарлар ўз Роббилари рисоаларини дарҳақиқат етказганликларини билиш учун ва Аллоҳ бандалар ҳузуридаги барча нарсани ихота қилиб олганлигини ва ҳамма нарсани адади, ҳисобини қилганлигини билиш учун», деб айт.

7.

Худо Шайтон, жинлар ва инсониятга юборган Муқаддас Китобларнинг асл матнини ўзгартириш ва бузиш орқали Ўзининг "ниятига" ва "қудратига" барҳам беришига йўл қўядими? (Таҳриф бигъл-лафз)

Муқаддас Китоб Йўқ / Йўқ Куръон

Ишаё 55:11 - Менинг оғзимдан чиққан сўз шундай бўлади, Менга бўм-бўш қайтиб келмайди. Менинг хоҳиш-иродамни ўша сўз бажаради, Қайси ниятда юборсам, Ўшани бажо қилади.

Луқо 16:17 - Бироқ Тавротдан бир нуқтанинг йўқолишидан қўра, еру осмоннинг йўқолиши осонроқдир.

Ҳаж 22:52 - Биз сендан илгари ҳеч бир Расул ва Набий юбормадикки, у бир нарсани таманний қилганида, шайтон унинг таманнийсига (шубҳа) ташламаган бўлса. Бас, Аллоҳ шайтон ташлайдиган нарсани кетказур. Сўнгра Аллоҳ Ўз оятларини мустаҳкам қилур. Аллоҳ ўта билгувчи ва ҳикматли зотдир.

Ас-Саффот 37:3 & 7 - 3. Зикрни тиловат қилгувчилар ила қасам. 7. Ва ҳар бир итоатсиз шайтондан сақлаш учун.

Ҳааққаҳ 69:44-47 & 51 - 44. Ва агар у Бизнинг (номимиздан) баъзи ёлғон сўзларни тўқиса. 45. Албатта, Биз уни қудрат билан тутармиз. 46. Сўнгра, албатта, унинг шоҳ томирини кесармиз. 47. Бас, сизлардан ҳеч ким уни тўсиб қола олмас. 51. Ва албатта у шубҳасиз ҳақиқатдир.

8.

Инсонлар Муқаддас Китобларни оғзаки равишда қисман ёки нотўғри талқин қилиш орқали бузишлари мумкинми? (Таҳриф бигъл-маъна)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Титус 1:10-11 - 10. Ахир, ҳеч кимга итоат қилмайдиган, қуруқ гап сотадиган ёлғончи биродарлар бор, айниқса суннатлилар орасида бундайлар кўп. 11. Уларнинг сафсаталарини тўхтатиш керак. Зеро, улар пул ишлаш ниятида сохта таълимотлар ўргатиб, бутун оилаларни тўғри йўлдан оздирмоқдалар.

Оли Имрон 3:78 - Улардан бир гуруҳлари борки, сизлар китобдан бўлмаган нарсани китобдан деб ўйлашингиз учун, китобни тилларини буриб ўқирлар. Ва: «У Аллоҳнинг ҳузуридан» дерлар. Ҳолбуки, у Аллоҳнинг ҳузуридан эмас. Улар билиб туриб Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзларлар.

9.

Инжил ўзгартирилишини Худо билмаган, бу ҳақда таъшишланмаган ёки У ҳеч нарса қила олмаганлигини назарда тутиб, Библияни ўзгартирилган ёки бузилган деб айтадиган одамлар, Худонинг қудрати ва хусусиятларига шак келтирган бўлишадими? (Ал-Алим, Эр-Раҳмон, Эр-Раҳим, Ал-Қодир)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Қуръон

Ишаё 14:24 & 27 - 24. Менинг режалаштирганим амалга ошади. 27. Сарвари Олам режа қилган! Қани, буни ким бекор қила олади?!

Ибронийлар 4:12-13 - 12. Худонинг каломи жонли ва таъсирли...

Бақара 2:20, 255 - 20. Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир.. 255. Аллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ зотдир. У тирик ва қаййумдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас... Унинг курсиси осмонлару ерни қамраган. Уларни муҳофаза қилиш Уни чарчатмас.

Нисо 4:158 - Аллоҳ азиз ва ҳақим бўлган зотдир.

10.

Муқаддас Китоб учун курашда Шайтон Худо устидан ғалаба қозонганини назарда тутиб, Библияни ўзгартирилган ёки бузилган деб айтадиган одамлар, Шайтонни Худодан устун қўйганликка айбланишадими? (Ал-Азиз, Ал-Ғолиб, Ал-Жаббор, Ал-Муқтадир)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Қуръон

Ибронийлар 4:12-13 - 12. Худонинг каломи жонли ва таъсирли... 13. Ҳеч ким ва ҳеч нарса Ундан пинҳон эмас.

Юнус 10:21 - Сен: «Аллоҳ макрда тезкордир. Албатта, элчиларимиз қилаётган макрларингизни ёзиб борурлар», деб айт.

Ҳижр 15:9 - Албатта, зикрни Биз нозил қилдик ва, албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз. (Ушбу зикр-Қуръон.)

Тоҳо 20:5 & 51-52 - 5. У-Роҳман Аршни эгаллади. 51. У: «Ўтган асрларнинг ҳоли недир?» деди. 52. Уларнинг илми Роббим ҳузурда, китобдадир. Роббим адашмас ва унутмас.

11.

Худо Муқаддас Китобларининг ҳаммасини эмас, балки айримларини ҳимоя қиладими? (Ал Адл, ал-Ҳодий, ал-Мўмин, ал-Муксит)

Муқаддас Китоб Йўқ / Йўқ Куръон

Луқо 21:33 - Еру осмон йўқ бўлиб кетади, аммо Менинг сўзларим кучда қолади.

Тавба 9:111 - Бу Тавротда, Инжилда ва Қуръонда Унинг зиммасидаги ҳақ ваъдадир. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор?

Худ 11:57 - Албатта, Роббим ҳар бир нарсани муҳофаза қилгувчи зотдир...

Иброҳим 14:47 - Сен, Аллоҳ Пайғамбарларига берган ваъдасига хилоф қилувчи, деб гумон қилма. Албатта, Аллоҳ азиз ва интиқом эгасидир.

Ҳаж 22:47 - Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмас.

12.

Худонинг Каломи қиёмат куннда бутун инсониятни ҳукм қиладиган ўзгармас ва универсал меъёрми? (Ал-Ҳакам, ал-Ҳақ, ал-Ҳофиз, ал-Ҳасиб)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Юҳанно 12:48 - Мени рад қилиб, сўзларимни қабул қилмаган одамни ҳукм қилувчи бор. Ундай одамни охиратда Мен эмас, айтган сўзим ҳукм қилади.

Ваҳий 20:12 - Мен ўша улкан тахт олдида турган каттаю кичик ўликларни кўрдим... Ўликлар китобларда ёзилгани бўйича қилмишларига яраша ҳукм этилди.

Хижр 15:9-10 - 9. Албатта, зикрни Биз нозил қилдик ва, албатта, уни Биз муҳофаза қилурмиз. (Ушбу зикр-Қуръон.) 10. Батаҳқиқ, сендан олдин ҳам аввалгилар гуруҳларига (Пайғамбар) юборганмиз.

Зумар 39:69-70 - 69. Ва ер Робби нури ила ёришди. Китоб кўйилди. Пайғамбарлар ва гувоҳлар келтирилди. Улар орасида ҳақ ила ҳукм чиқарилди. Уларга зулм қилинмади. 70. Ва ҳар бир жонга қилган амали (жазо ёки мукофоти) тўлиқ берилди.

13.

Имонлилар Муқаддас Битикнинг бир қисмига ишонган ҳолда, бошқа бир қисмига ишонмасликлари ружсат этилганми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Йўқ Куръон

Ҳаворийлар 20:27 – Ахир, мен Худонинг ҳамма мақсадини сизларга баён қилишдан бўйин товламадим.

2 Тимўтий 3:16 – Муқаддас битикларнинг ҳаммаси илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, ...хатоларни тузатиш ва солиҳлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир.

Бақара 2:85 – Ёки китобнинг баъзисига иймон келтириб, баъзисига куфр келтирасизми?!

Бақара 2:136 & 285 – 136. Айтинглар: «... бизга туширилган нарсага, ... Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва Роббиларидан берилган нарсага иймон келтирдик». 285. Барча Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, Пайғамбарларига иймон келтирди. Унинг Пайғамбарларининг бирорталарини ажратмаймиз.

Оли Имрон 3:84 & 119 – 84. ... улардан бирортасини ажратмаймиз... 119. китобнинг ҳаммасига иймон келтирасизлару...

14.

Худо ҳозирги кунда имонлилардан У юборган барча Муқаддас Китобларни ўрганишни ва уларга итоат қилишни истайдими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

1 Тимўтий 4:15-16 – 15. Айтганларимнинг ҳаммасини амалда қўлла. Ўзингни бу вазифага сидкидилдан бағишла, шунда сен Худонинг йўлида шахдам қадам билан, илдамлаб бораётганингни ҳамма кўради. 16. Ҳаёт тарзингга, нималар ўргатаётганингга эътибор қил. Бу фаолиятингни астойдил давом эттир, шундай қилсанг, ўзингни ҳам, тингловчиларингни ҳам қутқарасан.

2 Тимўтий 2:15 – Худонинг олдида ёруғ юз билан тура олишинг учун астойдил меҳнат қил. ...ҳақиқат каломини тўғри ўргатадиган хизматчи бўлгин.

Оли Имрон 3:79 – «Китобни ўргатганингиз ва ўзингиз ўрганганингиз асосида Роббонийлар бўлинг», дейдир.

Изоҳ: Мусулмонларнинг иймон келтиришлари талаб қилинадиган Муқаддас Китоблардаги сўз ва ҳарфлар ҳисоби шуни кўрсатадики, Таврот, Забур ва Инжилнинг унинг 90 фоизини, Қуръон эса 10 фоизини ташкил этади.

Инжил: Сўзлар = 783,137 Ҳарфлар 3,566,480

Қуръон: Сўзлар = 77,934 Ҳарфлар 326,048

15.

Худонинг Каломига бўйсунуш инсон ҳаётида «нажот топишининг» асосий шартими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Қонунлар 11:26-27 – 26. Мана бугун мен сизларга баракани ёки лаънатни танланг, деяпман. 27. Мен бугун сизларга айтаётган Эгангиз Худонинг амрларини бажарсангиз, барака топасиз.

Қонунлар 28:13 – Бугун Эгангиз Худонинг мен сизларга айтаётган амрларини битта қолдирмай бажарсангиз, Эгамиз сизларни дум эмас, бош қилади. Сизлар пастда эмас, баландда бўласиз.

Қонунлар 30:19 – Бугун мен сизларга ҳаётни ёки ўлимни, баракаларни ёки лаънатларни танлаш имкониятини бердим. Ҳаётни танланг, шунда ўзларингиз ҳам, авлодларингиз ҳам яшайсизлар.

Бақара 2:2-5 – 2. Бу китобда шак-шубҳа йўқ, у тақводорларга ҳидоятдир. 3. Улар Ғайбга иймон келтирурлар... 4. Ва улар сенга ва сендан олдин нозил қилинган нарсага иймон келтирурлар ва охиратга аниқ ишонурлар. 5. Ана ўшалар Роббиларидан бўлган ҳидоятдадирлар ва ана ўшалар, ўшаларгина нажот топгувчилардир.

16.

Муқаддас Китобни ўқишни рад этган ва унга итоат қилмайдиган одамлар ўзларини имонсизлар қаторига қўшилишларига сабаб буладими? (Кофир)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Еремиё 11:3 – Ушбу аҳд шартларига риоя қилмаган ҳар бир одам лаънати бўлсин!

Ибронийлар 12:25-29 – 25. Эҳтиёт бўлинглар, сизларга гапираётган Худодан юз ўтирманглар! 29. Ахир, бизнинг Худойимиз ямламай ютадиган оловдир

Аъроф 7:36 & 40-49 – 36. Оятларимизни ёлғонга чиқарганлар ва улардан кибр қилганлар, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар. 40. Албатта, оятларимизни ёлғонга чиқарганлар ва улардан кибр қилганларга осмон эшиклари очилмас... 41. Уларга жаҳаннамдан тўшак ва устларига чойшаб бор...

Анкабут 29:46-47 – 46. ...Биз ўзимизга нозил қилинган ва сизга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик... 47. ...Бизнинг оятларимизни фақат кофирларгина инкор этурлар.

17.

Ваҳий китобининг тугаши билан Муқаддас Ёзув ёпилган деб қабул қилинадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Ваҳий 22:18-19 - 18. Бу китобнинг башорат сўзларини эшитувчи ҳар бир кишини огоҳлантираман: кимда-ким бу сўзларга бирор нарса қўшса, Худо ҳам ўша кишининг жазосига бу китобда ёзилган балоларни қўшади. 19. Кимда-ким бу китобдаги башорат сўзларидан бирортасини чиқариб ташласа, Худо ҳам ўша кишини бу китобда ёзилган ҳаёт дарахтидан ва муқаддас шаҳардан бенасиб қилади.

Оли Имрон 3:19-20 - 19. Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Исломдир. Китоб берилганлар фақат уларга илм келгандан сўнг ўзаро ҳасад қилишибгина ихтилоф қилдилар... 20. Агар Исломга кирсалар, бас, батаҳқиқ, ҳидоят топдилар...

18.

Қуръонни Худонинг Каломи деб ҳисоблаш учун, Инжилда аввал ёзилганидек тарихий Китобга тўлиқ мос келиш керакми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

1 Коринфликлар 14:32-33 - 32. Худонинг хабарини етказаетганда инсон ўз руҳини бошқара олади. 33. Ахир, Худо тартибсизлик Худоси эмас, балки тинчлик Худосидир. Барча жамоатларда, Худонинг азиз халқи орасида бу намоён бўлиб турибди.

Галатияликлар 1:8 - Аммо кимда-ким, ҳатто биз ўзимизми ёки осмондан келган бирор фариштами, сизларга биз етказган Хушхабардан бошқа бир хушхабар келтирса, у лаънати бўлсин!

2 Юҳанно 1:9 - Масиҳ таълимотини ортда қолдириб, ўзича "жадаллаб кетган" одамда Худо йўқ. Масиҳ таълимоти бўйича яшаган одамда эса Ота ҳам, Ўғил ҳам бор.

Оли Имрон 3:85 - Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлади.

Аҳзоб 33:40* - Муҳаммад сизлардан бирон эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллоҳнинг Расули ва Набийларнинг сўнггисидир...

19.

Қуръонда Муқаддас Китобда ёзилган нарсаларга қарама қарши бўлган фундаментал ва тарихий фарқлар мавжудми?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Қуръон

1 Юҳанно 2:22-24 - 23. Ўғилни рад этган одамда Ота йўқ. 24. Сизлар бошидан эшитган каломни қалбингизда сақланглар. Агар бошидан эшитган каломни қалбингизда сақласангиз, сизлар ҳам Ўғил, ҳам Ота билан бирга яшайсизлар.

2 Юҳанно 1:9 - Масих таълимотини ортда қолдириб, ўзича "жадаллаб кетган" одамда Худо йўқ.

Шуаро 26:196-197 - 196. Албатта, у (Қуръон) аввалгиларининг китобларида ҳам бордир. 197. Уни Бани Исроил уламоларининг билишлари, улар учун оят-далил эмасми?!

Фуссилат 41:43 - Сенга айтилаётган нарсаки бор, батаҳқиқ, сендан олдинги Пайғамбарларга ҳам айтилгандир..

20.

Қуръонда "илҳом" ёки "ваҳий" тушунчаси Муқаддас Китобидагидек бир хилми?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

2 Тимўтий 3:16 - Муқаддас битикларнинг ҳаммаси илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим ва танбех бериш, хатоларни тuzатиш ва солихлик йўлида тарбия бериш учун фойдалидир.

2 Бутрус 1:20-21 - 20. Энг аввало, шуни билингларки, Муқаддас битиклардаги башоратларнинг ҳеч бири пайғамбарларнинг шахсий талқини эмас. 21. Ҳеч бир ҳақиқий пайғамбар ўзининг инсоний хоҳиши билан башорат қилган эмас. Бу пайғамбарлар Муқаддас Рух томонидан бошқарилиб, Худонинг сўзларини гапирганлар.

Нисо 4:163* - Биз сенга худди Нуҳ ва ундан кейинги Набийларга ваҳий юборганимиздек ваҳий юбордик. Биз... Исҳоқ, ... ва Сулаймонларга ваҳий юбордик.

Анғом 6:19 ва 93 - 19. ... У мен билан сизларнинг ўртангизда гувоҳдир. Менга ушбу Қуръонни, унинг ила сизларни ва у етиб борганларни огоҳлантиришим учун ваҳий қилинди.. 93. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки унга ҳеч нарса ваҳий қилинмаса ҳам, менга ваҳий келди, деган ёхуд, Аллоҳ нозил қилган нарсага ўхшаш нарсани мен ҳам нозил қиламан, деган кимсадан ҳам зотимроқ кимса борми? ...

21.

Яҳудийлар ёки христианлар Қуръони каримни муқаддас китоб деб ҳисоблайдиларми?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

Қонунлар 18:20-22 - 20. Аммо бирор пайғамбар Мен буюрмаган сўзни Менинг номимдан гапиришга журъат қилса.. у пайғамбар ўлиши керак. 22. Агар бирор пайғамбар Эгамизнинг номидан гапирса-ю, ўша воқеа юз бермаса, демак, бу сўзни Эгамиз айтмаган бўлади.

Ишаё 8:20 - Арвоҳ чақирувчиларга боришни маслаҳат берганларга рўшнолик бўлмайди. Сизлар уларга эмас, Худонинг йўл-йўриқлари ва таълимотига маслаҳат солинг.

Нисо 4:82 - Қуръонни тадаббур этиб кўрмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан бўлганда, ундан кўп ихтилофлар топар эдилар.

Шуаро 26:196-197 - 196. Албатта, у (Қуръон) аввалгиларининг китобларида ҳам бордир. 197. Уни Бани Исроил уламоларининг билишлари, улар учун оят-далил эмасми?!

22.

Худо Муқаддас Китобни юборганидан сўнг, кейинчалик баъзи оятларини ўзгартириш ёки бекор қилиш заруратини ҳис қилганми? (Менсуҳ ва Насих)

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

Луқо 16:17 - Бироқ Тавротдан бир нуқтанинг йўқолишидан кўра, еру осмоннинг йўқолиши осонроқдир.

Юҳанно 10:35 - ...Муқаддас битикларни ўзгартириб бўлмайди...

Бақара 2:106 - Оятлардан биронтасини насх қилсак ёки унутдирсак, ундан яхшисини ёки унга ўхшашини келтирамиз. Аллоҳ ҳар нарсага қодир эканини билмадингми?

Раъд 13:39 - Аллоҳ нимани хоҳласа, маҳв қилур, нимани хоҳласа, собит қилур. Она китоб Унинг даргоҳидадир.

Наҳл 16:101 - Қачонки, Биз бир оят ўрнини бошқа бир оят ила алмаштирсак, -ҳолбуки, Аллоҳ нимани назил қилишни ўзи яхши билгувчидир-улар: «Шубҳасиз, сен уйдирмачисан!» дерлар.

Исро 17:86 - Агар хоҳласак, сенга ваҳий қилган нарсаларимизни кетказамиз.

23.

Агар Қуръон «Оламларнинг Парвардигори» дан тушиб, бир гуруҳ жинлар томонидан тасдиқланса, бу Худодан келганини тасдиқловчи яққол белги ҳисобланадими?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

Юҳанно 14:30 - ...дунёнинг ёвуз ҳукмдори келяпти. У Менга ҳукмини ўтказа олмайди.

2 Коринфликлар 4:3-4 - 3. Хушхабаримиз сирли, тўсиқ парда ортида тургандай бўлиб туюлса...

4. Бу дунёнинг худоси имонсизларнинг онгини кўр қилиб қўйган...

Фотиҳа 1:1 - Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг номи билан бошлайман.

Юнус 10:37 - Ушбу Қуръон Аллоҳдан бошқа томонидан тўқиб чиқарилган эмас. У оламларнинг Роббисидандир.

Аждоф 46:29-30 - 29. Ва сен томон бир гуруҳ жинларни Қуръон эшитишга бурганимизни эсла. 30. Биз... ўзидан аввалги нарса (китоб) ларни тасдиқловчи, ҳақ (дин) га ва тўғри йўлга ҳидоят қилувчи китобни эшитдик.

24.

Муқаддас Китобнинг Шайтондан эканлигини қайта-қайта инкор қилиш зарурати борми?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

Матто 7:15-20 - 15. Сохта пайғамбарлардан эҳтиёт бўлинглар! 16. Уларнинг кимлигини қилган ишларидан билиб оласиз.

Юҳанно 8:44-49 - 44. Сизларнинг отангиз Худо эмас, иблисдир. Сизлар ўз отангизнинг нафсу эҳтиросларини бажо қилишни хоҳлайсизлар. Азалданок иблис қотил эди. У ҳеч қачон ҳақиқат тарафдори бўлмаган, чунки унда ҳақиқат йўқ. 46. Қайси бирингиз Мени бирон гуноҳда айблай оласиз?

Наҳл 16:98 - Қуръон ўқиган чоғингда, Аллоҳдан қувилган шайтон (шарри) дан паноҳ сўрагин.

Сабаъ 34:8 & 46 - 8. «У Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқидими ёки жинни бўлиб қолдими?» дедилар. 46. Соҳибингизда жинга оид ҳеч нарса йўқ...

Таквир 81:22 & 25 - 22. Сизнинг соҳибингиз мажнун эмас. 25. Ва у (Қуръон) тошбўрон қилинган шайтоннинг сўзи эмас.

Изоҳ: Ҳазрат Муҳаммад жиннинг борлигини кўпинча рад қилган: 15:6-7, 23:70, 37:36, 44:14, 51:50-52, 68:51.

Худо ва Оллоҳ

25.

Яҳудийлар, христианлар ва мусулмонлар фақат «битта» ҳақиқий Худо борлигига ишонишадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Қонунлар 6:4 - Эй Исроил, қулоқ сол! Эгамиз Худо танҳо Эгадир.

Эфесликлар 4:4-6 - 5. Раббимиз бир... 6. Барчамизнинг Отамиз Худо бирдир. У ҳаммамиздан устун...

1 Тимўтий 2:5-6 - 5. ...Худо ягонадир...

Ёқуб 2:19 - Мен Худонинг ягоналигига ишонаман!

Бақара 2:163 - Ва илоҳингиз бир илоҳдир. ...Ундан ўзга ибодатга сазовор зот йўқдир.

Нисо 4:87 & 171 - 87. Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор зот йўқ. 171. Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир...

Моида 5:73 - Ягона илоҳдан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ!

Наҳл 16:22 & 51 - 22. Илоҳингиз ягона илоҳдир. 51.

Иккита илоҳ тутмангиз...

Қасас 28:70 - У Аллоҳ, Ундан бошқа ибодатга сазовор илоҳ йўқ зотдир.

Ихлос 112:1 - Айт: «У Аллоҳ ягонадир».

26.

Қуръонда кўрсатилган Оллоҳнинг кўплаб фазилатлари ва хусусиятлари Инжилда кўрсатилган Худонинг сифатларига мос келадими? (Оллоҳ исмлари)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Ишаё 40:28 - Наҳотки билмайсан? Наҳотки эшитмагансан? Эгамизнинг Ўзи абадий Худо-ку! Бутун оламни У яратган-ку! У чарчамайди, ҳолдан тоймайди, Унинг донолигини билиб бўлмайди.

Бақара 2:255 - Аллоҳ Ундан ўзга илоҳ йўқ зотдир. У тирик ва қаййумдир... Унинг курсиси осмонлару ерни қамраган. Уларни муҳофаза қилиш Уни чарчатмас. Ва У Олий ва Азим зотдир.

Ҳашр 59:23 - У Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ. У - Малик, У-Қуддус, У-Салом, У- Мўмин, У- Муҳаймин, У-Азиз, У- Жаббор, У-мутакаббирдир...

27.

Муқаддас Китобдаги "Худо" ва Қуръондаги "Оллоҳ" бир хил мавжудотми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Қуръон

Чиқиш 3:14 – Мен ҳар доим бор бўлган Худоман, – деб жавоб берди У. – Халқим Исроилга: “Мени сизларнинг олдингизга юборганнинг номи – Мен Борман”, деб айтасан.

1 Юҳанно 5:20 – Исо Масих ҳақ Худодир ва абадий ҳаёт манбаидир.

2 Юҳанно 1:9 – Масих таълимотини ортда қолдириб, ўзича “жадаллаб кетган” одамда Худо йўқ. Масих таълимоти бўйича яшаган одамда эса Ота ҳам, Ўғил ҳам бор.

Анкабут 29:46 – Сизлар аҳли китобларнинг зулм қилганларидан бошқалари билан фақат яхши услубда мужодала этинглар ва уларга: «Биз ўзимизга нозил қилинган ва сизга нозил қилинган нарсага иймон келтирдик, бизнинг илоҳимиз ва сизнинг илоҳингиз бирдир ва биз унга бўйсунгувчимиз», деглар.

Ас-Саффот 37:126 – Ўз Роббингизни ва аввалги ота-боболарингизнинг Робби Аллоҳни тарк этасизми?!» деди.

28.

Худонинг абадий ва ўзгартирилмайдиган исми "Яхова"ми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Қуръон

Чиқиш 3:15 – Исроил халқига яна: “Мени сизларнинг олдингизга ота-боболарингиз – Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси – Эгангиз юборди”, деб айт. Менинг номим то абад шундай бўлсин. Унвонимни келгуси авлодлар шундай деб айтсин.

Юҳанно 8:58 – Исо уларга шундай жавоб берди: – Сизларга чинини айтайин: Иброҳим туғилмасдан олдин Мен бор бўлганман.

Алроф 7:180 – Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, Унга ўша (исм)лар ила дуо қилинг ва Унинг исмларидан оғадиганларни тек қўйинг.

Исро 17:110 – Сен: «Аллоҳга дуо қилинглар, ... Гўзал исмлар Униқидир», деб айт.

Изоҳ: Худонинг махсус ва абадий исми “Яхова” Муқаддас Китобда 6823 марта ишлатилган, лекин Қуръонда Худонинг 99 исмлари орасида учрамади. Тоҳо 20:8, Раҳмон 55:78 ва Ҳашр 59:24.

29.

Муқаддас Китобларда Худонинг "Муқаддас"лиги тўғрисида оятлар борми? (ал-Қуддус)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Қуръон

Ишә 6:3 - ... Муқаддасдир, муқаддасдир, Муқаддасдир Сарвари Олам!

Ишә 40:25 - "Мени кимга қиёслайсиз? Ким Менга тент кела олар?" - деб айтади Муқаддас Худо.

Ишә 57:15 - Юксак, юқори бўлган, абадий яшайдиган Эгамиз,

Номи муқаддас Эгамиз шундай айтмоқда...

Юҳанно 17:11 - Сенинг олдинга қайтиб кетяпман... Эй Муқаддас Ота!

Ваҳий 4:8 - Муқаддасдир, муқаддасдир, Муқаддасдир Қодир Худо - Эгамиз...

Хашр 59:23 - У Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ. У - Малик, У-Қуддус, ...

Жума 62:1 - Осмонлару ердаги барча нарсалар Хожа, Бенуқсон, Азиз, Ҳаким Аллоҳга тасбиҳ айтадир.

Изоҳ: Бу хусусият Қуръонда фақатгина икки мартаба учрайди, лекин Инжилда 450 мартадан кўпроқ топилган.

30.

Худонинг фазилатлари ва хусусиятлари орасида Худо ўзини "Ота" деб кўрсатадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Қуръон

Ишә 63:16 - Ахир, Сен бизнинг отамизсан, эй Эгамиз! ... Азалдан номинг - "Қутқарувчимиз."

Матто 5:45 & 48 - 45. Шунда сиз осмондаги Отангизнинг фарзандлари бўласизлар... 48. Осмондаги Отангиз баркамол бўлгани каби, сизлар ҳам баркамол бўлинглар.

Юҳанно 8:41 - Бизнинг биттаю битта Отамиз - Худонинг ўзи-ку!

Анъом 6:101 - У осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи Зотдир. Унинг хотини бўлмай туриб, боласи қандай бўлсин?! У ҳамма нарсани ўзи яратди ва У ҳамма нарсани яши билгувчидир.

Фурқон 25:2 - Ўзига фарзанд тутмаган, мулкида шериги бўлмаган, ... Зотдир.

Жин 72:3 - Ва, албатта, Роббимизнинг азамати юксак бўлди. У ўзига хотин ва фарзанд тутгани йўқ!

31.

Худо мағрурми ва мағрурлик Худонинг фазилатими? (ал-Мутакаббир)

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Забур 101:5 – Юрагим қуриган ўтдай хазон бўлди, Бирор нарса ейишга истак йўқолди.

Ҳикматлар 6:16-17 – Олти нарсадан Эгамиз нафратланади, етти нарсадан У жирканади. Булар: 17. манманлик нигоҳи, ...

Ишаё 57:15 – Мен юсакда, муқаддас масканда яшайман. Камтарлар руҳини қайта тиклай деб, Итоаткорлар қалбини жонлантирай деб, Руҳи камтар, итоаткор одамлар билан биргаман.

1 Юҳанно 2:16 – ..инсон табиатининг хоҳишлари, нафс ва бойлик билан мағрурланиш Отадан эмас, балки дунёдандир.

Хашр 59:23 – У Аллоҳ, Ундан ўзга илоҳ йўқ. У – Малик, У-Қуддус, У-Салом, У- Мўмин, У- Муҳаймин, У- Азиз, У-Жаббор, У-мутакаббирдир.

32.

Худонинг фазилатлари ва хусусиятлари орасида Худо Ўзини "Қутқарувчи" деб кўрсатадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Ишаё 43:3 & 11 – 3. Ҳа, Мен Эганг Худодирман, Исроил халқининг Муқаддас Худоси – қутқарувчингман... 11. Мен Эгангизман! Ёлғиз Мен Эгангизман, Мендан бошқа қутқарувчи йўқ.

Хўшея 13:4 – Аммо Эгангиз Худо – Менман.. Мендан бошқа йўқдир нажоткоринг.

Луқо 2:11 – Бугун Довуд шаҳрида сизлар учун Нажоткор туғилди. У Масихдир, бизнинг Раббимиздир.

Титус 1:4 – Отамиз Худо ва нажоткоримиз Исо Масих сенга иноят ва тинчлик ато қилсин.

Титус 2:10-13 – 10. ..нажоткоримиз Худо... 13. ...нажоткоримиз Исо Масихнинг келишига ва буюк Худонинг..

Титус 3:4-6 – 4. ..нажоткоримиз Худо... 6. Нажоткоримиз Исо Масих орқали..

Яҳудо 1:25 – ...яккаю ягона нажоткоримиз Худога...

Изоҳ: Худонинг "Қутқарувчи" сифати Муқаддас Китобда 39 марта келтирилган, лекин Куръонда келтирилмаган.

33.

Муқаддас Китобларда Худо Ўзини назарда тутганда, У биринчи шахсга нисбатан "Биз" деб кўпликда гапирадими?

Муқаддас Китоб Ха / Ха Куръон

Ибтидо 1:26 - Кейин Худо шундай деди: "Энди инсон зотини яратайлик, улар Ўз суратимиздай, Ўзимизга ўхшаган бўлсин..."

Ибтидо 11:6-7 - 6. Эгамиз деди... 7. Қани, пастга тушайлик-да, уларнинг тилини аралаштириб юборайлик...

Ишаё 6:8 - Шунда мен Раббийнинг овозини эшитдим: "Кимни юбораман? Биз учун ким боради?" Мен айтдим: "Мен шу ерданман, мана, юборгин мени."

Юҳанно 17:11 - Сенинг олдингга қайтиб кетяпман... Эй Муқаддас Ота! Менга берган Ўз номинг қудрати ила уларни омон сақла. Токи улар ҳам Биздай бир бўлсинлар.

Воқеа 56:57-59, 64, 69 & 72 - 57. Биз сизларни яратганимиз, ишонсаларинг-чи! 58. Ўзингиз чиқарадиган манийни ўйлаб кўринг-а! 59. Уни сизлар яратасизми ёки Биз яратувчимизми?!

Инсон 76:23 - Албатта, Биз сенга Қуръонни бўлак-бўлак қилиб туширдик.

34.

"Учлик" тушунчаси қабул қилинадими? (Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ)

Муқаддас Китоб Ха / Йўқ Куръон

Ибтидо 11:6-7 - 6. Эгамиз деди: 7. Қани, пастга тушайлик-да, уларнинг тилини аралаштириб юборайлик...

Матто 28:18-19 - 18. Исо... 19. Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўмдириглар.

Эфесликлар 4:4-6 - 4. ...Руҳ ҳам бирдир. 5. Раббимиз бир... 6. Барчамизнинг Отамиз Худо бирдир.

Оли Имрон 3:64 - ...Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик...

Нисо 4:171 - Масиҳ Йисо ибн Марям Аллоҳнинг Пайғамбари... Уни учта деманг. Тўхтанг, ўзингизга яхши бўлади. Албатта, Аллоҳ ягона илоҳдир, ўзга эмас У Ўзининг боласи бўлишидан пок бўлди.

Моидда 5:72-73 - 72. Аллоҳ, албатта, Масиҳ ибн Марямдир, деганлар кофир бўлдилар... 73. Аллоҳ, учтанинг учинчисидир, деганлар, батаҳқиқ, кофир бўлдилар.

35.

Худо Исони нотўғри иш қилганликда айблаганми ёки Исо нотўғри қилган ишини яшириш учун Худога ёлғон гапирганми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Юҳанно 8:46 - Қайси бирингиз Мени бирон гуноҳда айблай оласиз? Агарда ҳақиқатни гапирётган бўлсам, нега Менга ишонмаяпсизлар?

Титус 1:2 - Зеро, Худо абадий ҳаётни азалданок ваъда қилган. У ҳеч қачон ёлғон ваъдалар бермайди.

1 Бутрус 2:21-23 - 21. Масих... 22. ...У ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, оғзидан бирон ёлғон сўз чиқмаган.

Моида 5:116 - Аллоҳ: «Эй Ийсо ибн Марям, сен одамларга, Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар, дедингми?» деганини, у эса: «Эй пок Зот, ҳаққим йўқ нарсани мен айта олмайман-ку. Агар айтган бўлганимда, батаҳқиқ, Сен уни билар эдинг. Сен менинг дилимдагини биласан, мен Сендаги ҳеч нарсани билмайман. Албатта, Сен Ўзинг ғайбларни энг яхши билгувчи зотсан.

36.

Худо буюк кучини камдан-кам намоён қиладиган ёки инсоният тарихига кам из қолдирадиган олисдаги Худоми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Чиқиш 13:21 - Эгамиз кундузи устун шаклидаги булут ичида, кечаси устун шаклидаги аланга ичида уларнинг олдиди юриб, йўлларини ёритиб йўл кўрсатиб борди.

Чиқиш 16:9-10 - 9. ...Мусо Ҳорунга деди: - Исроил халқининг бутун жамоасига айт... 10. Шу пайт Эгамиз улуғворлигини булут ичида зоҳир қилди.

1 Шоҳлар 12:16 - Энди турган ерингизда тураверинг, кўз ўнгингизда Эгамизнинг ажойиботини кўринглар.

Анъом 6:37-38 - 37. Улар: «Унга Роббидан бир оят-мўъжиза тушса эди?» дерлар. Сен: «Албатта, Аллоҳ оят-мўъжиза туширишга қодирдир», деб айт. Лекин кўплари билмаслар. 38. Китобга ҳеч нарсани қўймай ёзганмиз.

Тавба 9:30-31 - 30. Аллоҳ... 31. Ундан ўзга ибодатга сазовар зот йўқ.

37.

**Аллоҳ Ўзини ер юзидаги одамларга кўрсатганми?
(Теофания ёки Рўйитуллоҳ)**

Муқаддас Китоб Ха / Йўқ Куръон

Чиқиш 33:11 & 18-23 - 11. Эгамиз ҳам Мусо билан юзма-юз гаплашарди... 18. Илтижо қиламан: менга улуғворлигингни зоҳир қилгин, - деди Мусо. 23. Сен Мени орқамдан кўрасан. Юзимни эса кўрмайсан. **Саҳрода 12:7-8** - 7. ...қулим Мусо 8. Мен у билан... юзма-юз... гаплашаман. ...Этангизнинг шарпасини кўради.

Анъом 6:103 - Кўзлар Уни идрок эта олмас...

Аъроф 7:143 - Мусо... «Роббим, менга (жамолингни) кўрсатгин, сенга назар солай», деди. У зот: «Мени ҳеч кўра олмассан...

Ҳаж 22:63 - Албатта, Аллоҳ ўта лутфли ва хабардор зотдир.

Луқмон 31:16 - Аллоҳ ўта лутфли ва ўта хабардор зотдир.

Изоҳ: Муқаддас Китобдаги бошқа теофаниялар: Ибтидо 12:7-9; 18:1-33; 32:22-30; Чиқиш 3:2-4:17; Қонунлар 31:14-15

38.

Ҳозирда Худо Ўзининг ёзма Ваҳийсидан ташқари одамларга бевосита гапирадими?

Муқаддас Китоб Ха / Йўқ Куръон

Йўэл 2:28 - Сўнгра Ўз Рухимни ёғдираман ҳар бир инсон устига, Ваҳийлар келади йигитларингизга. Башоратлар қилар сизнинг ўғил-қизларингиз...

1 Коринфликлар 14:1-4 & 24-31 - 1. Севгининг пайида бўлинглар, шунингдек, Муқаддас Рух берадиган инъомларни олишга, айниқса инсонларга Худонинг сўзини етказишга интилинглар. 4. Худонинг сўзини одамларга етказадиган инсон эса бутун жамоатнинг имонини мустаҳкамлайди. 24. Аммо ҳамма Худонинг сўзини тушунарли равишда бошқаларга етказиб бераётган бўлса, у ердаги имонсиз одам уларнинг айтганларини эшитади. Шундан кейин қрагини текшириб кўради-да, гуноҳкор эканлигига амин бўлади. 25. Унинг қрагидаги сирлари фош бўлади. Шунда у мук тушиб: "Чиндан ҳам Худо сизлар билан экан", дейди-да, Худого сажда қилади. 31. Шунда ҳамма бирин-кетин Худонинг сўзини бошқаларга етказа олади, токи ҳамма таълим ва далда олсин.

Шуро 42:51 - Аллоҳ башар билан гаплашмоғи бўлмаган, магар ваҳий орқали, ёки парда ортидан ёхуд элчи юборадия, У зотнинг изни ила хоҳлаган нарсасини ваҳий қилур.

39.

"Худонинг фарзандлари" деб аталган одамлар билан Худо яқин ва меҳрли муносабатда бўлишни хоҳлайдими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Хўшея 1:10 - Уларга: «Халқим эмас», деб айтилган бўлса, келажакда улар: «Барҳаёт Худонинг фарзандлари» деб аталади.

Галатияликлар 4:6 - Биз Худонинг фарзандлари эканлигимизни кўрсатиш учун У юрагимизга Ўз Ўғлининг Руҳини юборди...

1 Юҳанно 3:1-2 - 1. Қаранглар, Отамиз Худо бизни фарзандларим деб, қандай буюк бир севгини кўрсатди! Ҳақиқатан ҳам, биз Унинг фарзандларимиз... 2. Ҳа, азизларим, ҳозир биз Худонинг фарзандларимиз.

Моида 5:18 - Яҳудий ва насоролар: «Биз Аллоҳнинг ўғилларимиз ва Унинг маҳбубларимиз», дедилар. Уларга: «Ундай бўлса, нимага У сизларни гуноҳларингиз туфайли азоблайдир? Балки сизлар У яратган башардирсизлар... », деб айт.

Изоҳ: Қуръон инсонлар Худонинг ўғиллари бўлишини инкор этсада, Худо ҳам инсонга жуда яқин деб айтилган: Анфол 8:24; Ҳуд 11:90 ва 92; Қоф 50:16.

40.

Худонинг севгиси чексизми? (ал-Вудуд)

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Римликлар 5:8 - Лекин биз ҳали гуноҳга ботган чоғимизда, Масиҳ биз учун ўлди. Шу йўсинда Худо бизга бўлган Ўз меҳр-муҳаббатини намоён қилди.

Эфесликлар 2:4-5 - 4. Аммо меҳр-шафқатга бой Худо Ўзининг бизга бўлган буюк муҳаббатини қуйидагича кўрсатди: 5. гарчи биз гуноҳларимиз туфайли руҳан ўлик бўлсак ҳам, Худо бизни Масиҳ билан бирга тирилтирди.

1 Юҳанно 4:8-10 - 8. Ахир, Худо севгидир. 10. Ҳақиқий севги - бизнинг Худога бўлган севгимиз эмас, балки Худонинг бизга кўрсатган севгисидир. Зеро, Худо бизни гуноҳларимиздан поклаш учун Ўз Ўғлини қурбон қилди.

Бақара 2:195 & 276 - 195. Аллоҳ эҳсон қилувчиларни ҳуш кўради. 276. Ва Аллоҳ ҳар бир кофир, гуноҳкорни ҳуш кўрмас.

Оли Имрон 3:57 & 159 - 57. Ва Аллоҳ золимларни ҳуш кўрмас. 159. Аллоҳ таваккал қилувчиларни севадир.

Рум 30:45 - Албатта, У кофирларни севмас.

41.

Худо иймонлиларни фақат Унинг қуллари ёки хизматкорлари деб биладими?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Қуръон

Юҳанно 15:15 – Мен сизларни энди қул деб атамайман... Сизларни дўстларим дейман, чунки Отамдан эшитган ҳамма нарсани сизларга айтдим.

1 Бутрус 2:5 & 9-10 – 5. Шунда ўзларингиз ҳам тирик тошлардай бўласизлар. Худо сизлардан руҳий маъбад барпо этади. Сизлар муқаддас руҳонийлар бўлиб хизмат қиласизлар ва Исо Масиҳ орқали Худога мақбул руҳий қурбонликлар келтирасизлар. 9. Аммо сизлар – танланган бир насл, руҳонийлар шоҳлиги, муқаддас қавм, Худонинг азиз халқисиз... 10. Сизлар бир вақтлар Худога бегона эдингизлар, энди эса Унинг халқисизлар.

Сод 38:83 – Магар улардан танланган бандаларингизга (мустаснодир), деди.

Зумар 39:16 – Бу билан Аллоҳ Ўз бандаларини кўрkitур: «Эй бандаларим, менга такво қилинглар!»

Шуро 42:19 – Аллоҳ бандаларига лутфлидир.

42.

Худо одамларнинг баъзиларини бошқаларидан устун қўядими?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Қуръон

Марк 12:14 – Устоз, одил эканингизни биламиз. Сиз бирор кишига ҳушомадгўйлик қилмайсиз.

Галатияликлар 3:28 – Энди на яҳудий, на юнон бор, на қул, на озод бор, на эркак, на аёл бор. Сизлар Исо Масиҳга тегишли бўлганингиз учун ҳаммангиз бирсизлар.

Эфесликлар 6:9 – ...сизларнинг ҳам Хўжайинингиз самода, У тарафкашлик қилмайди.

Анъом 6:165 – У сизларни ер юзида халифалар қилган ва Ўзи берган нарсаларда сизни синаш учун баъзингизнинг даражасини баъзингиздан устун қилган зотдир.

Наҳл 16:71 & 75 – 71. Аллоҳ ризқда баъзингизни баъзингиздан афзал қилди. 75. Улар тенг бўладиларми?

Аҳзоб 33:50 – Эй Набий, Биз сенга махрларини берган жуфтларингни.. ҳалол қилдик. Мўминларга эмас.

Изоҳ: Ҳадис: Мишкат ул-Масабиҳ, 3-жилд, 117-бет ва Бухорий 1-жилд, 28 ва 301-сон; 2-жилд, 161-сон.

43.

Худо айниқса баъзи гуноҳкорлардан нафратланадими ва баъзиларини дўзахга жўнатмоқчимиз?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

Ҳизқиёл 18:23 & 32 - 23. Наҳотки фосиқ одамнинг ўлимини истасам? 32. Биронта одамнинг ҳалок бўлишини истамайман, — деб айтмоқда Эгамиз Раббий. — Ёмон йўлдан қайтинглар, яшанглар!"

2 Бутрус 3:9 - Баъзилар Раббимиз келмаяпти, берган ваъдасини бажаришга У кечикяпти, деб ўйламоқда. Аслида ундай эмас, У сабр-тоқат қиляпти, чунки ҳеч кимнинг ҳалок бўлишини истамай, ҳамманинг тавба қилишини хоҳлаяпти.

Моида 5:41 - Оғизлари ила, иймон келтирдик, деб қалблари иймон келтирмаганлар..

Аъроф 7:179 - Батаҳқиқ, жаҳаннам учун кўплаб жин ва инсларни яратдик. Ана ўшалар чорва ҳайвонлари кабидирлар. Балки улардан ҳам баттарроқдирлар.

Тавба 9:55 - Аслида, Аллоҳ ўша нарсалар сабабли уларни ҳаёти дунёда азоблашни ва кофир ҳолларида жонлари чиқишни хоҳлайди, ҳолос.

44.

Худо "яхшилик" ва "ёвузлик" нинг эгаси, ва иккиси учун ҳам жавобгарми?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

Еремиё 29:11 - Ахир, Мен сизлар тўғрингизда тузган режаларимни биламан.. Бу режаларим сизларга қулфат эмас, фаровонлик олиб келади..

Ёқуб 1:13 - Васвасага тушганингизда Худони айблананг! Чунки Худо ҳеч қачон васвасага тушмайди ва ҳеч кимни васвасага солмайди.

Бақара 2:26 -У билан кўпчиликни залолатга кеткизади..

Нисо 4:78 - Ёмонлик етганда эса, бу сендан дерлар. «Ҳаммаси Аллоҳдан», деб айт!

Моида 5:14 - Ва «Биз насоролармиз» деганларнинг ҳам аҳдномасини олдик.

Анбиё 21:35 - Биз сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтиҳон учун синаймиз ҳамда бизгагина қайтарилурсиз.

Изоҳ: Инжилда Худо инсонларга қийинчиликни ёки фалокатни йўл қўядиган жойлар мавжуд: Ишаё 45:7, Еремиё 4:6. Лекин Шайтон ёвузликнинг муаллифи сифатида қўрилади: Юҳанно 8:44, 1 Юҳанно 3:8.

45.

Худо уларнинг барчасидан энг буюк "маккор" деб тасвирланадими? (Макр)

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Хабаққуқ 1:13 - Сенинг кўзларинг шу қадар покизаки, Сен ёвузликка қараб туrolмайсан.

Михо 2:1 - Эй тўшагида ётиб, ёвузликни режалаштирганлар! Сизнинг ҳолингизга вой!

Закариё 8:17 - Бир-бирингизга қарши ёвуз режалар тузманг, ёлғон қасам ичманг. Мен булардан нафратланаман." Сарвари Оламнинг каломи шудир.

Оли Имрон 3:54 - Макр қилдилар. Аллоҳ ҳам макр қилди. Аллоҳ макр қилувчиларнинг «зўри» дир.

Раъд 13:42 - Аммо барча макрлар Аллоҳнинг (илкидадир).

Намл 27:50 - Улар макр қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолда бир «макр» қилдик.

Изоҳ: Инжилда «макр қилиш» ёвузлик деб қаралади ва бу фаолиятлар Худога эмас, балки Шайтонга тегишлидир.

Ибтидо 3:1, Эстер 9:25, Забур 21:11 ва 36:4, Ҳикматлар 1:30, 2 Коринфликлар 11:13-15, Эфесликлар 6:11, 1 Бутрус 5:8-9, 2 Юҳанно 1:7.

46.

Турли эътиқод одамлар орасида душманлик ва адоватни кўзғатиш учун Худо жавобгарми?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Еремиё 29:11 - Ахир, Мен сизлар тўғрингизда тузган режаларимни биламан, — деб айтмоқда Эгамиз. — Бу режаларим сизларга қулфат эмас, фаровонлик олиб келади, ёруғ келажагу умид беради.

Хабаққуқ 1:13 - Сенинг кўзларинг шу қадар покизаки, Сен ёвузликка қараб туrolмайсан.

Бақара 2:10 - Уларнинг қалбларида касал бор. Аллоҳ касалларини зиёда қилди.

Нисо 4:88 - Аллоҳ адаштирган кимсаларни ҳидоят қилмоқчи бўласизларми? Аллоҳ кимни адаштирган бўлса, унга йўл топа олмассан.

Моида 5:14 - Ва «Биз насоролармиз» деганларнинг ҳам аҳдномасини олдик.

Моида 5:64 - Яҳудийлар: «Аллоҳнинг қўли боғлиқдир», дедилар. Сенга Роббингдан нозил қилинган нарса улардан кўпларининг туғён ва куфрини зиёда қилар. Уларнинг орасига қиёмат кунигача душманлик ва ёмон кўришни солдик.

47.

Аллоҳнинг мақсади айрим одамларнинг қалбини тош қилиб, уларни йўлдан уриши?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Матто 18:11-14 - 11. Сизларга шуни айтай: самода уларнинг фаришталари доимо самовий Отамнинг жамолини кўриб туради. 14. Шу сингари осмондаги Отангиз ҳам бу кичиклардан биронтасининг йўқолиб қолишини истамайди.

1 Тимўтий 2:3-4 - 3. ...нажоткоримиз Худога мақбулдир. 4. У ҳамма инсонларнинг нажот топишларини ва ҳақиқатни билиб олишларини истади.

Бақара 2:7, 15 & 26 - 7. Аллоҳ уларнинг қалблари ва қулоқларини муҳрлаб қўйган... 15. Аллоҳ уларни истехзо қилади ва туғёнларида довдирашларига қўйиб беради. 26. Аллоҳ... кўпчиликни залолатга кеткизади ва кўпчиликни ҳидоятга солади.

Нисо 4:119 - Уларни адаштираман, хом хаёлларига соламан...

Аъроф 7:186 - Аллоҳ кимни залолатга кетказса, унга ҳидоят қилувчи йўқдир. Уларни тек қўйиб қўяди, туғёнларида адашиб-улоқиб қрaveraдилар.

48.

Худонинг хусусияти ва хулқ-атвори шижоатли ёки ғаройибми?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Саҳрода 23:19 - Худо инсон эмаски, У ёлғон гапирса, У одам эмаски, фикрини ўзгартирса. У доим ваъдаси устидан чиқар!

Малаки 3:6 - Мен Эгангизман. Мен ҳеч қачон ўзгармайман!

2 Тимўтий 2:13 - Содик бўлмасак ҳам, Масих содик бўлиб қолаверади, Ахир, У Ўз табиатига қарши чиқа олмайди.

Титус 1:2 - Зеро, Худо абадий ҳаётни азалданоқ ваъда қилган. У ҳеч қачон ёлғон ваъдалар бермайди.

Ҳуд 11:106-107 - 106. Бас, бадбахт бўлганлар дўзахдалар... 107. ...унда абадий қолурлар. Магар Роббинг хоҳласа, (абадий қолмаслар). Албатта, Роббинг нимани хоҳласа, қилгувчи зотдир.

Ҳаж 22:14 - Албатта, Аллоҳ ирода этган нарсани қиладир.

Фотир 35:8 - Албатта, Аллоҳ хоҳлаган кимсани залолатга кетказур, хоҳлаган кимсани ҳидоятга солур.

49.

Худонинг Ўзидан бошқа бирон кимсага сажда қилиш ман этилганми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Чиқиш 20:2-5 - 2. "Мен... Эгангиз Худоман.

3. Мендан бошқа худоларга сажда қилманг.

5. Ўша худолар ёки бутларга сажда қилманг, хизмат қилманг. Мен, Эгангиз Худо, сизларнинг севгингизни бошқа худолар билан баҳам кўрмайдиган Худоман.

Қонунлар 5:7-9 - 7. Мендан бошқа худоларга сажда қилманг.

9. Ўша худолар ёки бутларга сажда қилманг... Мен, Эгангиз Худо, сизларнинг севгингизни бошқа худолар билан баҳам кўрмайдиган Худоман.

Ваҳий 22:8-9 - 8. ...фариштага сажда қилмоқчи бўлиб, ўзимни унинг оёқларига ташладим. 9. Аммо у менга деди: "Зинҳор бу ишни қилма! Мен сенинг ҳамкорингман, шунингдек пайғамбар биродарларингнинг ва бу китобдаги сўзларга риоя қилувчиларнинг ҳамкориман. Худога сажда қил!"

Исро 17:23 - Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни... амр этди.

Зарийат 51:56 - Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим.

50.

Худо ўзининг абадий қонунига зид равишда барча фаришталарига: «Одам Атога сажда қилинглар», - деган буйруқни бердим?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Ишаё 14:12-14 - 12. Қандай қилиб тушиб кетдинг самодан, Эй Зухра клдуз... 13. Ҳа, ўзингча айтган эдинг: «Мен чиқиб бораман самоларга, Тахтимни кўтараман, Худонинг клдузлари тепасига. 14. Худойи Таолодай бўламан»

Ҳизқиёл 28:11-19 - 12. Эй Тир шоҳи, сен баркамолликнинг аъло намунаси бўлдинг... 15. ...то қабиҳлик қилгунингга қадар, Сен тўғри йўлдан юрдинг... 17. Сен гўзаллигинг туфайли мағрурланиб кетган эдинг. Савлатинг туфайли ақл-фаросатдан воз кечган эдинг.

Бақара 2:31-34 - Эсла, фаришталарга: "Одамга сажда қилинглар!" деганимизни. ...магар Иблис бош тортди...

Исро 17:61-65 - 61. Фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» деганимизда сажда қилганларини, магар иблис қилмаганини, «Сен лойдан яратган кимсага сажда қиламанми?» деганини эсла.

Муқаддас Рух, Фаришталар, Жинлар ва Шайтон

51.

"Муқаддас Рух" Худо сифатида қабул қилинадими? (Рухул-Қудус)

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Забур 139:7 – Эй Эгам, Сенга айтаман: "Сен Менинг Худойимсан." ...Эгам, Сенга илтижо қиламан.

Юҳанно 4:24 – Худо Рухдир, Унга сажда қилувчилар ҳам Муқаддас Рух бошчилигида, ҳақиқатни билган ҳолда сажда қилишлари лозим.

Ҳаворийлар 5:3-4 – 3. Ханониё, нимага шайтонга қалбингдан жой бериб, Муқаддас Рухга ёлғон гапирдинг? 4. Сен одамларга эмас, балки Худога ёлғон гапирдинг!

Бақара 2:87 & 253 – Ва Ийсо ибн Марямга равшан (мўъжизалар)ни бердик ва уни рухул қудс билан қўлладик.

Моида 5:110 – ...Эй Ийсо ибн Марям.. Сени муқаддас рух билан қўллаганимни...

Изоҳ: Инжилнинг 113 жойида Муқаддас Рух Худо деб тасвирланган.

52.

Муқаддас Рух яратиш қудратига эгами?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Ибтидо 1:1-2 – 1. Худо азалда осмон билан ерни яратди. 2. Худонинг Руҳи сувлар узра юрарди.

Аюб 26:13 – Ўз нафаси билан булутларни ҳайдаб, Мовий осмонни очди.

Аюб 33:4 – Мени Худонинг Руҳи яратган, Қодир Худонинг нафаси менга ҳаёт бериб турибди.

Моида 5:110, 116 & 118 – 110. ...Эй Ийсо ибн Марям.. Сени муқаддас рух билан қўллаганимни... 116. Албатта, Сен Ўзинг ғайбларни энг яхши билгувчи зотсан. 118. ...Сенинг Ўзинг азиз-ғолиб ва ҳикматли зотсан...

Марям 19:17-19 – 17. ...Биз унга Ўз руҳимизни юбордик... 19. У: «Мен Роббингнинг элчисиман, холос...», деди.

53.

"Муқаддас Руҳ" ва фаришта "Жаброил" бир ва бир хилми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Луқо 1:11-35 - 11. Шу пайт Эгамизнинг бир фариштаси Закариёга зоҳир бўлди. 13. Фаришта унга деди:

– Закариё... Хотининг Элисабет сенга бир ўғил туғиб беради. Унинг исмини Яҳё қўясан. 15. Онасининг қорнидаёқ Муқаддас Руҳга тўлади. 19. Фаришта унга шундай жавоб берди:

– Мен Худонинг ҳузурида турадиган Жаброилман. Сен билан гаплашгани, сенга бу Хушxabарни эълон қилгани юборилганман.

Юҳанно 4:24 - Худо Руҳдир...

Бақара 2:87 & 98 - 87. Ва Ийсо ибн Марямга равшан (мўъжизалар)ни бердик ва уни руҳул қудс билан қўлладик. 98. Ким Аллоҳга, унинг фаришталарига, Пайғамбарларига, Жиброилга ва Микоилга душман бўлса...

Изоҳ: Исломда Муқаддас Руҳ одатда фаришта Жаброил деб тасвирланган.

54.

"Муқаддас Руҳ"га қарши куфрлик қилиш битта ва ягона кечирилмас гуноҳми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Матто 12:31-32 - 31. Инсонларнинг ҳар қандай гуноҳи ва куфрлиги кечирилади. Лекин Муқаддас Руҳга куфрлик қилганлар кечирилмайди. 32. Ким Инсон Ўғлига қарши сўз айтса, кечирилади. Лекин ким Муқаддас Руҳга қарши сўз айтса, икки дунёда ҳам кечирилмайди.

Нисо 4:48, 116 & 168 - 48. Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. 116. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, қаттиқ адашган бўлади. 168. Албатта, куфр келтирганлар ва зулум қилганларни Аллоҳ зинҳор мағфират қилмас ва йўлга хидоят ҳам қилмас.

55.

Муқаддас Китоблар Муқаддас Рухга қаратилганми?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Римликлар 1:11 – Сизларни роса кўргим келяпти, чунки сизлар билан руҳий инъомларни баҳам кўрсам, дейман, шунда сизлар имонда янада мустаҳкамроқ бўлардингиз.

Римликлар 8:9 – Агар Худонинг Рухи ҳақиқатан ҳам сизларнинг қалбингизда макон қилган бўлса, сизлар энди башарий табиат амри билан эмас, балки Рух амри билан яшаясизлар. Кимки Масихнинг Рухига эга бўлмаса, у Масихга тегишли эмас.

1 Коринфликлар 2:13-16 – 13. Биз булар ҳақида гапирганимизда... Рух ўргатаётган сўзлар билан руҳий ҳақиқатни талкин қиламиз. 15. Қалбида Худонинг Рухи бўлган инсон ҳамма нарсага баҳо бера олади...

Яҳудо 18-19 – 18. Охирги замонда шундай одамлар бўладики, улар фақат ўз нафсини қондириш билан овора бўлишади, ҳақиқатга итоат қилувчиларни мазах қилишади. 19. Муқаддас Рухга эга бўлмаган бу бетавфиқ устозлар... орангизга низо уруғини сочадилар.

Исро 17:85 – Ва сендан руҳ ҳақида сўрарлар. Сен: «Рух Роббимнинг ишидир. Сизга жуда оз илм берилгандир», деб айт.

56.

Худонинг "Муқаддас Рухи" иймонлиларда яшаб, уларни илоҳий совғалар билан таъминлайдими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Юҳанно 20:21-22 – 21. Исо... деди: ..Осмондаги Отам Мени дунёга юборгани сингари, Мен ҳам сизларни дунёга юборяпман. 22. Шундай деб, уларнинг устига пуфлади-да: – Муқаддас Рухни қабул қилинглар, – деди.

Ҳаворийлар 1:8 – Аммо Муқаддас Рух сизларни қамраб олганда, куч-қудратга тўласизлар.

1 Коринфликлар 12:1, 4-11 & 13 – 1. ...энди Муқаддас Рух берадиган инъомлар масаласига келсак, бу ҳақда тўлиқ тушунчага эга бўлишингизни хоҳлайман. 7. Умумий манфаат учун Муқаддас Рух ҳар кимда ўзига хос равишда намоён бўлади. 13. Ахир, биз ҳаммамиз – яҳудийлару юнонлар, куллару озод бўлганлар, бир тана бўлишимиз учун бир Муқаддас Рухга чўмдирилдик.

Изоҳ: Қуръонда илоҳий инъомлар ва Муқаддас Рухнинг яшаши ҳақида сўз юритилмаган.

57.

Илоҳий инъомларни бир иймонлидан бошқасига қўлларни устига қўйиш орқали тарқатиш мумкинми?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

1 Тимўтий 4:14-15 – 14. Ўзингга берилган инъомга эътиборли бўл, уни ишга сол. Ахир, сен бу инъомингни айтилган башоратлар ва оқсоқоллар устингга қўл қўйиб қилган дуолари натижасида олгансан. 15.

Айтганларимнинг ҳаммасини амалда қўлла. Ўзингни бу вазифага сидқидилдан бағишла, шунда сен Худонинг йўлида... илдамлаб бораётганингни ҳамма кўради.

2 Тимўтий 1:6 – Шу сабабдан, ёдингда бўлсин: мен устингга қўлларимни қўйиб дуо қилганимда, сен Худодан Муқаддас Рухни инъом қилиб олгансан.

Ибронийлар 6:1 – Шундай экан, Масиҳнинг бошланғич таълимотида тўхтаб қолмайлик. Аксинча, имонда етук бўлишга интилайлик. Ҳадеб таълимотнинг илк асосларини ўрганавермайлик.

Изоҳ: Қуръонда илоҳий инъомларни тарқатиш учун қўлларни устига қўйиш кўрсатилмаган. Римликлар 1:11, 2 Салоникаликлар 2:8 ва 1 Тимўтий 4:14-16.

58.

Худо Исонинг издошларига, уларнинг ичида яшайдиган Муқаддас Рух кучи орқали, Исо қилгандай худди шундай мўъжизалар қилиш қобилиятини берадими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Юҳанно 14:12 – Сизларга чинини айтайин: Менга ишонган одам Мен қилган ишларни қилади. Булардан ҳам буюкроқ ишларни қилади, чунки Мен Отанинг олдига кетяпман.

Луқо 10:17 – Етмиш икки шогирд хурсанд бўлиб сафардан қайтиб келдилар. Улар Исога шундай дедилар: – Ҳазрат, биз Сизнинг номингиздан буйруқ берганимизда, ҳатто жинлар ҳам итоат этиптилар.

Ҳаворийлар 6:8 – Стефан Худонинг марҳаматига ва илоҳий қудратга тўлган эди. У халқ орасида ажойиб мўъжизалар ва аломатлар кўрсатди.

Ҳаворийлар 8:6 – Филиппни тинглаб турган ва қилган мўъжизаларини кўрган оломон унинг гапларига диққат билан қулоқ солди.

Изоҳ: Қуръонда Исодан кейин ҳеч ким бирор аниқ мўъжизалар қилгани ҳақида ёзув йўқ.

59.

Худо баъзи иймонлиларга Муқаддас Рух кучи орқали номаълум тилда гапириш инъомини берадими?

Муқаддас Китоб Ха / Йўқ Қуръон

1 Коринфликлар 14:2 & 5 - 2. Ким номаълум тилда гапирса, инсонларга эмас, Худога гапиради, чунки уни ҳеч ким тушунмайди. У Рухдан илҳомланиб, сирларни гапиради. 5. Ҳаммангиз ҳам номаълум тилларда гапиришингизни истайман...
Римликлар 8:26-27 - 26. Бунинг устига, ожизлигимизда Рух бизга мадад беради. Чунки биз қандай ибодат қилишни билмаймиз, аммо Рухнинг ўзи ифода қилиб бўлмас оҳ-нолалар билан биз учун Худо олдида шафоат қилади. 27. Инсонларнинг крағини синовчи Худо Рухнинг фикри нимада эканлигини билади, чунки Рух Худонинг иродасига кўра, Унинг азизлари учун шафоат қилади.

Изоҳ: Қуръонда тилларда гапириш ҳақида оятлар йўқ.

60.

Фаришталар Худонинг хизматчилари ва Жинлар Шайтоннинг хизматкорлари эканликлари аниқ фарқланганми?

Муқаддас Китоб Ха / Йўқ Қуръон

Матто 25:41 - Сўнг У чап томондагиларга ҳам айтади: – Эй лаънатилар, кўзимдан йўқолинглар! Иблис ва унинг фаришталарига тайёрлаб қўйилган абадий оловга мубтало бўлинглар!

Ваҳий 12:9 - Улкан аждарҳо ерга улоқтирилди. Бутун дунёни алдаган бу алмисоқ илон иблис ва шайтон деб аталган. У ўз фаришталари билан ерга улоқтирилди.

Жин 72:1-16 - 1. Сен айт: «Менга ваҳий қилиндики, Албатта жинлардан (бир неча) нафари қулоқ осдилар ва дедилар: «Биз ажойиб Қуръонни эшитдик. 2. У тўғри йўлга ҳидоят қилур. Вас, биз унга иймон келтирдик ва ўз Роббимизга бировни ширк келтирмасмиз. 11. Ва, албатта, биздан солиҳлар ҳам ва бошқалар ҳам бор. Турли гуруҳлар бўлган эдик.

61.

Шайтоннинг тавба қилиши ва яхши бўлиши мумкинми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Йўқ Куръон

Ваҳий 12:9 – Улкан аждарҳо ерга улоқтирилди. Бутун дунёни алдаган бу алмисоқ илон иблис ва шайтон деб аталган. У ўз фаришталари билан ерга улоқтирилди.

Ваҳий 20:10 – Уларни алдаган иблис олтингугуртли кўлга ташланади... Улар кечаю кундуз, абадулабад у ерда азоб чекадилар.

Бақара 2:208 – Ва шайтоннинг изидан эргашманг.

Албатта, у сизга очиқ душмандир.

Юсуф 12:5 – ...шайтон инсонга очиқ-ойдин душмандир.

Зужруф 43:36-39 – 36. Ким Роҳманнинг эслатмасидан шабкўр бўлиб олса, Биз унга шайтонни яқин қилиб қўюрмиз, бас, у унга доимий ҳамроҳ бўлур. 39. Зулм қилганингиз учун бугунги кунда азобга шерик бўлишингиз ҳам ҳеч фойда бермас.

62.

Баъзи "Иблислар" тавба қилиб яхши бўлиб қолишлари мумкинми? (Жинлар)

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Яҳудо 6-7 – 6. Шунингдек, ўз мавқеига яраша иш тутмай, маконини ташлаб кетган фаришталарни ҳам Эгамиз қоронғи зимистонга абадий занжирбанд қилганди. Уларни буюк қиёмат кунигача ўша ерда сақлаб турибди. 7. Ўша фаришталар сингари... абадий ўтда куйиб, ўз жазосини олганлар.

Жин 72:1, 11, 13 & 14 – 1. Сен айт: «Менга ваҳий қилиндики, Албатта жинлардан (бир неча) нафари кулоқ осдилар ва дедилар: «Биз ажойиб Қуръонни эшитдик. 11. Ва, албатта, биздан солиҳлар ҳам ва бошқалар ҳам бор. Турли гуруҳлар бўлган эдик. 13. Ва, албатта, биз ҳидоятни эшитган пайтимизда унга иймон келтирдик. Қимки ўз Роббисига иймон келтирса, савоби озайиб қолишдан ҳам, унга оғир юк юкланишидан ҳам қўрқмас. 14. Ва, албатта, биздан мусулмонлар ва биздан адашганлар бор. Қимлар Исломига кирса, бас, улар ҳақ йўлни танлабдилар.

63.

Муқаддас Китобларда жинларни одамлардан чиқариб ташлаш ҳақида оятлар борми?

Муқаддас Китоб Ха / Йўқ Куръон

Матто 9:33 - Исо жинни қувиб чиқаргандан кейин, соқов тилга кирди, халқ эса ҳайратда қолиб: - Исроил халқи орасида бундай ҳодиса ҳеч қачон бўлмаган, деди.

Матто 17:18 - Исо жинга дўқ қилди. Жин боланинг ичидан чиқиб кетди, шу заҳоти бола соғайиб қолди.

Марк 1:25-26 - 25. Бироқ Исо жинга дўқ уриб: - Жим бўл! Ундан чиқиб кет! - деди. 26. Ёвуз руҳ у одамни қаттиқ силтади, овози борича бақириб, унинг ичидан чиқиб кетди.

Луқо 4:35 - Бироқ Исо жинга дўқ уриб: - Жим бўл! Ундан чиқиб кет! - деди. Шунда жин ҳамманинг кўзи олдида ҳалиги одамни ерга ағнатиб, унинг ичидан чиқиб кетди. Одам ҳеч қандай зарар кўрмади.

Изоҳ: Қуръонда жинларни одамлардан ташқарига чиқариш ҳақида ҳеч қандай оят йўқ, аммо Муқаддас Китобда жинларни ташқарига чиқариш ҳақида 89 та оят бор.

64.

Шайтоннинг алдаш кучи кучсиз ёки самарасиз деб изоҳланганми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ха Куръон

Луқо 4:6 - У Исога деди: - Сени ана шу шоҳликлар устидан ҳукмрон қиламан, уларнинг шон-шуҳратини Сенга бераман. Буларнинг ҳаммаси менга берилган, мен эса истаганимга бераман.

2 Коринфликлар 4:3-4 - 3. Хушхабаримиз сирли, тўсиқ парда ортида тургандай бўлиб туюлса... 4. Бу дунёнинг худоси имонсизларнинг онгини кўр қилиб қўйган...

Нисо 4:76 - Албатта, шайтоннинг ҳийласи заифдир.

Иброҳим 14:22 - Иш битиб бўлганда шайтон: «Менинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлигим йўқ эди. Фақат даъват қилсам, ўзингиз менга ижобат қилдингиз...»

Наҳл 16:98 - Қуръон ўқиган чоғингда, Аллоҳдан қабулланган шайтон (шарри) дан паноҳ сўрагин.

Шуаро 26:210-211 - 210. У (Қуръон) ни шайтонлар олиб тушганлари йўқ. 211. Бунга уларнинг имконлари йўқ ва унга қодир ҳам эмаслар.

65.

Шайтон бу дунёнинг "Шаҳзодаси" ёки "Ҳукмрони" деб ҳисобланиладими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Луқо 4:5-6 – 5. Сўнг Исони иблис тепаликка олиб чиқиб, бир лаҳзада Унга оламнинг барча шоҳликларини кўрсатди. 6. У Исога деди: – Сени ана шу шоҳликлар устидан ҳукмрон қиламан, уларнинг шон-шухратини Сенга бераман. Буларнинг ҳаммаси менга берилган, мен эса истаганимга бераман.

Юҳанно 12:31 – Энди бу дунё ҳукм қилинади, бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори ҳайдаб чиқарилади.

Юҳанно 14:30 – Чунки бу дунёнинг ёвуз ҳукмдори келяпти. У Менга ҳукмини ўтказа олмайди.

2 Коринфликлар 4:3-4 – 3. Хушхабаримиз сирли, тўсик парда ортида тургандай бўлиб туюлса, у ҳалок бўладиганлар учун шундай туюлади. 4. Бу дунёнинг худоси имонсизларнинг онгини кўр қилиб қўйган.

Нисо 4:76 – Албатта, шайтоннинг ҳийласи заифдир.

Шуаро 26:210-211 – 210. У (Қуръон)ни шайтонлар олиб тушганлари йўқ. 211. ...унга қодир ҳам эмаслар.

Масиҳ ва Ҳазрати Муҳаммад

66.

Масиҳ бокира қиздан туғилган деб қабул қилинадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Ишаё 7:14 – Энди Раббийнинг Ўзи сизларга аломат беради: ана, қиз ҳомиладор, у ўғил туғади ва Унинг исмини Иммануил қўяди.

Матто 1:18 – Исо Масиҳнинг туғилиши шундай содир бўлди: Исонинг онаси Марям Юсуфга унаштириб қўйилган эди. Уларнинг никоҳидан олдин Марям Муқаддас Рухдан ҳомиладор эканини билди.

Марям 19:16-22 – 16. ...Марям.. 20. У: «Менда қаёқдан ўғил бўлсин, менга башар тегмаган бўлса, мен бузуқ ҳам бўлмасам?!» деди. 21. У: «Ана шундай, Роббинг айтдики, бу Мен учун осондир...», деди. 22. Бас, унга ҳомиладор бўлди. Сўнгра у билан узоқ маконга четланди.

Анбиё 21:91 – Биз унга Ўз руҳимиздан пуфладик. Уни ва унинг ўғлини оламларга оят-белги қилдик.

67.

Масих гуноҳсиз деб қабул қилинадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Марк 1:24 – Эй Носиралик Исо... Сен Худонинг Азизисан!

Юҳанно 7:18 – Ким уни юборганга шуҳрат изласа, ҳақиқатни сўзлайди, унинг дилида ҳийла бўлмайди.

Юҳанно 8:46 – Қайси бирингиз Мени бирон гуноҳда айблай оласиз? Агарда ҳақиқатни гапираётган бўлсам, нега Менга ишонмаяпсизлар?

2 Коринфликлар 5:21 – Ахир, Худо бизни Масих орқали оқлаш учун бегуноҳ Масихни гуноҳкорни жазолагандай, жазолади.

1 Бутрус 2:21-22 – 21. Масих... 22. Ахир, У ҳеч қандай гуноҳ қилмаган, оғзидан бирон ёлғон сўз чикмаган.

1 Юҳанно 3:5 – Масих эса гуноҳларимизни ювиш учун келганини биласизлар. Унда гуноҳ йўқлиги ўзингизга аён.

Бақара 2:253 – Ва Ийсо ибн Марямга ойдин (мўъжиза)ларни бердик ва уни муқаддас руҳ билан қўлладик.

Марям 19:19 – У: «Мен Роббингнинг элчисиман, холос, сенга бир пок ўғилни ҳада этиш учун келдим», деди.

68.

Масих ғайритабиий донолик ва билимга эга деб қабул қилинадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Матто 9:4 – Уларнинг бу ўй-фикрларини билган Исо деди: – Нега сизлар бундай ёмон нарсаларни ўйлайсизлар?

Юҳанно 7:45-46 – 45. – Нега Уни олиб келмадингизлар? – деб сўрашди улардан... 46. – Ҳеч ким ҳеч қачон бу Одамдай гапирмаган, – деди миршаблар.

Юҳанно 16:30 – Ҳамма нарсани билишингизни энди тушундик. Сиз Худодан келганингизга энди ишондик.

Оли Имрон 3:45-48 – 45. ...Масих, Ийсо ибн Марям бу дунёю охиратда обрўли ва яқин бандалардандир. 48. Ва унга китобни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатадир.

Зухруф 43:63 – Ийсо очиқ-ойдин мўъжизалар билан келган чоғида: «Батаҳқиқ, мен сизга ҳикматни келтирдим ва баъзи сиз ихтилоф қилаётган нарсаларни баён қилиш учун келдим. Бас, Аллоҳга тақво ва менга итоат қилинглар.»

69.

Масих мўъжизалар яратиш ва ўликларга ҳаёт бахшилаш ғайритабиий кучига эга деб қабул қилинадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Марк 1:40-45 – 40. Тери касаллигига чалинган бир одам Исонинг олдига келди. – Биламан, агар истасангиз, мени бу касалликдан поклай оласиз. 41. Исо... – Истайман, пок бўл! – деди.

Марк 6:48 – Исо... кўл устида юрганича...

Юҳанно 11:14-44 – 14. Кейин Исо уларга очиғини айтди: – Лазар вафот этди. 25. Исо унга деди: – Мен тирилиш ва ҳаётдирман... 43. ...баланд овоз билан хитоб қилди: – Лазар, ташқарига чиқ! 44. Шу пайт... марҳум чиқиб келди.

Оли Имрон 3:45-50 – 45. ...Масих, Ийсо... 49. Аллоҳ изни билан туғма кўр ва песларни тузатаман ва ўликни тирилтираман...

Моида 5:110 – ...Менинг изним ила туғма кўрни ва песни тузатганингни эсла. Менинг изним ила ўликларни чиқарганингни эсла...

Изоҳ: Инжилда Исонинг 37 та мўъжизаси бор.

70.

Масих барча инсонлардан иймон ва итоаткорликни амр қилиш ҳуқуқига эга деб қабул қилинганми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Матто 23:10 –...сизларнинг яккаю ягона йўлбошчингиз Масихдир.

Юҳанно 14:15 & 21-24 – 15. Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қиласизлар. 21. Менинг амрларимни билиб, уларга амал қилган киши Мени севади... 23. Ким Мени сева, Менинг сўзимга амал қилади... 24. Мени яхши кўрмаган киши сўзларимга амал қилмайди...

Оли Имрон 3:50 & 55 – 50. Сизга Роббингиздан оят-мўъжиза билан келдим. Аллоҳга тақво қилинг ва менга итоат этинг. 55. ...Мен сени вафот қилдирувчи ва Ўзимга кўтарувчиман ҳамда куфр келтирганлардан сени покловчиман ва қиёмат кунигача сенга эргашганларни куфр келтирганлардан устун қўювчиман...

Зухруф 43:61 & 63 – 61. Албатта, у (Ийсо) қиёмат соати илми-белгисидир. Бас, сиз у (соат) ҳақида ҳеч шубҳа қилманг ва Менга эргашинг. Мана шу тўғри йўлдир. 63. Батаҳқиқ, мен сизга ҳикматни келтирдим... Бас, Аллоҳга тақво ва менга итоат қилинглр.

71.

Исо - "Масих" деб ҳисобланиладими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Қуръон

Матто 26:63-64 - 63. Худонинг Ўғли - Масих Сенмисан?
64. Исо унга: - Гапингиз тўғри, - деди.

Юҳанно 1:41 - - Биз Масихни топдик, - деди.

Юҳанно 4:25-26 - 25. Аёл Исога деди: - Мен Масих келишини биламан. У келганда, ҳамма нарсани бизга тушунтиради. 26. Исо аёлга деди: - Ўша Менман. Сен билан гаплашиб турибман.

Оли Имрон 3:45 - ...Аллоҳ сенга Ўзидан бўлган сўзнинг башоратини бермоқда, унинг исми Масих, Ийсо...

Нисо 4:171-172 - 171. ...Масих Ийсо ибн Марям Аллоҳнинг Пайғамбари... 172. Масих... Аллоҳга банда бўлишдан зинҳор бош тортмаслар.

Изоҳ: Янги Аҳдда "Масих" ёки "Исо" сўзлари 558 марта ишлатилган ва "Масих" сўзи Қуръонда Исога мурожаат этиш учун 10 марта ишлатилган.

72.

Масих Худонинг Каломи деб қабул қилинадими? (Логос / Калимуллоҳ)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Қуръон

Юҳанно 1:1-3 & 14 - 1. Азалда Калом бор эди. Калом Худо билан бирга эди, Калом Худо эди. 2. Азалда У Худо билан бирга эди. 3. Бутун борлиқ Калом орқали яратилган, Усиз яратилган бирон нарса мавжуд эмас. 14. Калом инсон бўлди, Орамизда яшади.

Ваҳий 19:13-16 - 13. ..."Худонинг Каломи" деб ном берилган эди. 16. ...шоҳларнинг Шоҳи, ҳукмдорларнинг Ҳукмдоридир...

Оли Имрон 3:39 - Албатта, Аллоҳ сенга Аллоҳдан бўлган калимани тасдиқловчи, бошлиқ, шахвати тийилган, солиҳлардан бўлган Набий, Яхъёнинг башоратини бермоқда...

Оли Имрон 3:45 - ...Аллоҳ сенга Ўзидан бўлган сўзнинг башоратини бермоқда, унинг исми Масих, Ийсо ибн Марям бу дунёю охиратда обрўли ва яқин бандалардандир.

73.

Масиҳ туғилишидан олдин У Худонинг Каломи сифатида азалдан мавжуд бўлганми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Ишаё 9:6 – Мана биз учун бола туғилди... Номи... қудратли Худо, Абадий Ота...

Михо 5:2 – “Эй Эфратдаги Байтлаҳм... Исроилни Мен учун бошқарадиган зот сендан чиқади. Унинг насаби қадимларга бориб тақалади.”

Юҳанно 8:58 – Исо уларга шундай жавоб берди: – Сизларга чинини айтигин: Иброҳим туғилмасдан олдин Мен бор бўлганман.

Ибронийлар 13:8 – Исо Масиҳ кеча, бугун ва то абад ўшадир, У ўзгармайди.

Ваҳий 1:1 ва 8 – 1. Исо Масиҳнинг ваҳийси... 8. “Мен Ибтидо ва Интиҳодирман, – деб айтмоқда Эгамиз Худо. – Мен олдин бор бўлган, ҳозир ҳам бор, келажакда ҳам бор бўладиган Қодир Худодирман.”

Оли Имрон 3:59* – ...Аллоҳнинг ҳузурда Йисонинг мисоли худди Одамнинг мисолига ўхшайди. Уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас, бўлди.

74.

Худонинг абадий Каломи инсон танасига Исо Масиҳ тимсолида олинган деб ҳисобладими? (Кенозис ёки Жулул)

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Матто 1:18-24 – 23. “Қиз ҳомиладор бўлади, у ўғил туғади, Унинг исмини Иммануил деб қўйишади.” Иммануил “Худо биз билан” деганидир.

Юҳанно 1:1 & 14 – 1. Азалда Калом бор эди... 14. Калом инсон бўлди, Орамизда яшади...

Филиппиликлар 2:5-8 – 6. Исо Масиҳ Худонинг табиатига эга эди... 7. ...У инсон киёфасида яшаб, Ўзини паст тутди.

Колосаликлар 1:3 & 15 – 3. ...Раббимиз Исо Масиҳ... 15.

Кўринмас Худонинг сурати Масиҳдир...

1 Тимўтий 3:16 – Дарҳақиқат, Худо бизга аён этган ҳақиқат буюқдир...

Моида 5:17 – Батаҳқиқ Масиҳ ибн Марям Аллоҳдир, деганлар ҳам кофир бўлдилар. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир...

75.

Масих "Илоҳий" ёки одам танасидаги Худо деб ҳисобланиладими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Юҳанно 1:1 & 14 – 1. Азалда Калом бор эди. Калом Худо билан бирга эди, Калом Худо эди. 14. Калом инсон бўлди, Орамизда яшади...

Юҳанно 5:17-18 – 17. Исо уларга... Менинг Отам шу кунгача Ўз ишини қилиб келяпти, Мен ҳам Ўз ишимни қилягман, деди. 18. У... Худони Отам деб, Ўзини Худога тенглаштирган эди.

Юҳанно 10:25-33 – 25. Исо уларга... Осмондаги Отам номидан қилаётган ишларим кимлигимни кўрсатиб турибди... 30. Мен ва Отам бирмиз.

Юҳанно 20:28-29 – 28. Тўма Исога: – Ё Раббим, Худойим! – деди. 29. Исо унга шундай деди: – Сен Мени кўрганинг учун ишондинг. Мени кўрмай ишонганлар нақадар бахтлидир!

Колосаликлар 2:8-9 – 9. Худо Ўзининг бутун борлиғи билан тўла-тўкис Масихнинг вужудида мавжуддир.

Моида 5:17, 72, 75, 116 & 118 – 17. Батаҳқиқ Масих ибн Марям Аллоҳдир, деганлар ҳам кофир бўлдилар...

Зухруф 43:57-59 – 57. Ибн Марям... 59. У фақат бир бандадир. Биз унга неъмат бердик ва уни Бани Исроилга мисол қилдик.

Изоҳ: Инжилда Исо 367 марта "Худо" деб тасвирланган.

76.

Дунёни Масих яратган деб қабул қилинадими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Эфесликлар 3:9 – Худонинг сирли режасини энди ҳаммага ошкор қилиш вазифаси менга юкланди. Бутун борлиқни яратган Худо бу сирни асрлар давомида пинҳон тутган эди.

Колосаликлар 1:13-20 – 13. ... севикли Ўғлининг Шоҳлиғи... 15. Кўринмас Худонинг сурати Масихдир... 16. Худо бутун борлиқни Масих орқали яратган...

Ибронийлар 1:1-2 & 10-12 – 1. Худо... 2. Бу охириги кунларда эса У бизга Ўз Ўғли орқали гапирди. Худо коинотни Ўғли орқали яратган... 10. Ўғлига яна шундай деган: ...Азалда заминнинг пойдеворини Сен қўйгансан...

Моида 5:75, 116 & 118 – 75. Масих ибн Марям бир Пайғамбар, холос...

Зухруф 43:59 – У фақат бир бандадир. Биз унга неъмат бердик ва уни Бани Исроилга мисол қилдик.

77.

Худо ва инсон ўртасида битта ва ягона воситачи деб Масиҳ қабул қилинганми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Юҳанно 14:6 - Исо унга деди: - Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.

Ҳаворийлар 4:12 - Наҳот бошқа ҳеч кимдан келмайди. Унинг номи - бутун оламда наҳот берадиган ягона номдир.

1 Тимўтий 2:5-6 - 5. ...Худо ягонадир, Худо билан инсонлар орасидаги Воситачи ҳам ягонадир. Бу Воситачи Исо Масиҳдир. 6. Ва бутун инсониятни қутқариш учун Ўз жонини фидо қилди.

Бақара 2:48 - Бир жон бошқасидан ҳеч нарсани адо қила олмайдиган, ундан шафоат қабул қилинмайдиган, ундан тўлов олинмайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган кундан кўрқинг.

Юус 10:3 - ...Унинг изнисиз ҳеч бир шафоатчи бўлмас. Ана ўша Аллоҳ Роббингиздир.

Зумар 39:44 - ...Барча шафоат ёлғиз Аллоҳникидир...

78.

Масиҳ Худонинг ўғли деб қабул қилинганми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Матто 16:16 - Шимўн Вутрус жавоб бериб деди: - Сиз Масиҳсиз, Барҳаёт Худонинг ўғлисиз! Шимўн Вутруста Исо деди: - Сен бахтлисан, эй ...Шимўн!

Марк 14:61-62 - 61. - Муборак Худонинг ўғли - Масиҳ Сенмисан? 62. Исо деди: - Мен ўшаман.

Луқо 1:32 & 35 - 32. У буюк бўлади. Уни Худойи Таолонинг ўғли деб аташади... 35. Шу боис туғадиган ўғлинг муқаддас бўлади, У Худонинг ўғли деб аталади.

Юҳанно 1:29-34 - 29. ...Яҳё Исонинг яқинлашиб келаётганини кўриб... 34. Мен буни кўрдим ва сизларга: "Бу Худонинг ўғлидир", деб айтгяпман.

Тавба 9:30-31 - 30. ...Насоролар: «Масиҳ Аллоҳнинг ўғлидир», дедилар... 31. Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг ҳибр ва роҳибларини ҳамда Масиҳ ибн Марямни Робб тутдилар. Улар фақат битта илоҳдан бошқага ибодат қилмасликка амр қилинган эдилар...

Изоҳ: Инжилда Исони "Худонинг ўғли" деб тасвирлайдиган 92 та оят бор, лекин Анъом 6:101, Фурқон 25:2, Зухруф 43:81 ва Жин 72:3 солиштиринг.

79.

Муқаддас китобларда «Худонинг ўғли» атамаси ишлатилганида, жинсий бирлашувдан туғилган ўғил деган маънода ишлатилганми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Луқо 1:26-35 - 27. Қизнинг оти Марям эди. 35. Муқаддас Руҳ сени қамраб олади, Худойи Таолонинг қудрати сени қоплайди. Шу боис туғадиган ўғлинг муқаддас бўлади, У Худонинг ўғли деб аталади.

1 Юҳанно 5:20 - Яна шуни биламизки, Худонинг ўғли келиб, ҳақ Худони таниб-билишимиз учун бизга ақл-идрок берди.. Исо Масиҳ ҳақ Худодир ва абадий ҳаёт манбаидир.

Анъом 6:101 - У осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи Зотдир. Унинг хотини бўлмайти туриб, боласи қандай бўлсин?! У ҳамма нарсани ўзи яратди ва У ҳамма нарсани яхши билгувчидир.

Жин 72:3 - Ва, албатта, Роббимизнинг азамати юксак бўлди. У ўзига хотин ва фарзанд тутгани йўқ!

80.

Аслида Масиҳга одамлар ибодат қилганми ва У уларнинг ибодатларини ҳақиқий деб қабул қилганми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Матто 28:9-10 - 9. Бирданига Исонинг ўзи уларнинг қаршисидан чиқиб... Аёллар Исонинг олдида бориб, оёқларига ёпишганча Унга сажда қилдилар. 10. Исо уларга деди: ...Бориб, биродарларимга... айтинглар.

Юҳанно 9:35-38 - 35. - Сен Инсон ўғлига ишонасанми? - деб сўради ундан. 38. Шунда у одам: - Ишонаман, ё Раббий, - деди-да, Исога сажда қилди.

Юҳанно 20:28-29 - 28. Тўма Исога: - Ё Раббим, Худойим! - деди. 29. Исо унга шундай деди: - ...Мени кўрмай ишонганлар нақадар бахтлидир!

Филиппиликлар 2:10-11 - 10. Токи Исонинг олдида еру осмондаги ва ер остидаги борлиқ жон тиз чўксин, 11. ҳар бир тил Исо Масиҳни Раббий деб тан олиб...

Моида 5:116 & 118 - 116. Аллоҳ: «Эй Йисо ибн Марям, сен одамларга, Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар, дедингми?» деганини, у эса: «Эй пок Зот, ҳаққим йўқ нарсани мен айта олмайман-ку... 118. ...Сенинг ўзинг азиз-ғолиб ва ҳикматли зотсан...

81.

Масиҳ одамларнинг гуноҳларини кечира олади деб ҳисобланиладими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Марк 2:5-7 & 10-11 - 5. Исо уларнинг ишончини кўриб, шолга: – Ўғлим, гуноҳларинг кечирилди, – деди. 7. “Нега бу Одам бундай деяпти? ...Худодан бошқа ҳеч ким гуноҳларни кечира олмайди!” 10. Инсон Ўғлига ер юзида гуноҳларни кечириш ҳокимияти берилган... 11. Сенга айтаман: ўрнингдан тур! Тўшагингни олиб, уйингга бор! – деб бужрди.

Луқо 5:20 - Исо уларнинг ишончини кўриб, шолга деди: – Биродарим, гуноҳларинг кечирилди.

Луқо 7:48 - Сўнг Исо: – Гуноҳларинг кечирилди, – деди.

Ҳаворийлар 10:43 - Барча пайғамбарлар ҳам Исо тўғрисида гувоҳлик берган эдилар. Исога ишонган ҳар бир одамнинг гуноҳлари Унинг номи туфайли кечирилади...

Ҳаворийлар 13:38 - Шунинг учун... Гуноҳларимиз Исо орқали кечирилишини биз сизларга эълон қилмоқдамиз.

1 Юханно 2:12 - ...сизларга ёзаяпман: Масиҳ туфайли гуноҳларингиз кечирилди.

Оли Имрон 3:135 - ...гуноҳларини Аллоҳдан ўзга ким ҳам мағфират қиларди?

Моида 5:75 - Масиҳ ибн Марям бир Пайғамбар, холос...

82.

Масиҳда ўлим ва дўзах калитлари бор деб ҳисобланиладими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Луқо 12:5 - Худодан қўрқинглар, чунки У одамни ўлдириб, дўзахга ташлашга ҳам қодир.

Ваҳий 1:11-18 - 1. Исо Масиҳнинг ваҳийси... 8. “Мен Ибтидо ва Интиҳодирман, – деб айтмоқда Эгамиз Худо. – Мен олдин бор бўлган, ҳозир ҳам бор, келажақда ҳам бор бўладиган Қодир Худодирман.” 14. ...Кўзлари эса оловдай чақнарди. 17. ..Мен Биринчи ва Охиргиман. 18. Барҳаётман. Ўлган эдим ва мана, абадулабад тирикман. Ўлимнинг ва ўлиқлар диёрининг калитлари Мендадир.

Зухруф 43:57 & 59 - 57. Ибн Марям... 59. У фақат бир бандадир. Биз унга неъмат бердик ва уни Бани Исроилга мисол қилдик.

83.

Масих дунёнинг "Қутқарувчиси" деб ҳисобланиладими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Ишаё 43:11-13 – 11. Мен Эгангизман! Ёлғиз Мен Эгангизман, Мендан бошқа қутқарувчи йўқ. 13. Ҳа, „Мен Ўшаман...

Луқо 2:11 – Бутун Довуд шаҳрида сизлар учун Нажоткор туғилди. У Масихдир, бизнинг Раббимиздир.

Юҳанно 4:42 – „У ҳақиқатан ҳам оламнинг Нажоткори эканлигига амин бўлдик.

Титус 1:4 – Отамиз Худо ва нажоткоримиз Исо Масих сента иноят ва тинчлик ато қилсин.

Титус 3:4-6 – 4. Аммо нажоткоримиз Худо бизга бўлган эзгулиги ва меҳр-муҳаббатини кўрсатди. 6. „Исо Масих оркали Худо бизнинг устимизга Муқаддас Рухини мўл-кўл қилиб ёғдирди.

1 Юҳанно 4:14 – „Худо Ўз Ўғлини дунёнинг Нажоткори қилиб юборганини биз кўрдик ва бу ҳақда гувоҳлик бераймиз.

Нисо 4:171* – „Албатта, Масих Йисо ибн Марям Аллоҳнинг Пайғамбари...

84.

Масихга Раббий ва Нажоткор деб ишониш, абадий ҳаётга эришишнинг ягона воситаси деб қабул қилинадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Юҳанно 3:16 ва 36 – 16. Зеро, Худо оламини шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди. Токи Унга ишонганлардан биронтаси ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин. 36. Худонинг Ўғлига ишонган ҳар бир одам абадий ҳаётга эга бўлади. Ўғилни рад этган одам эса ҳаёт кўрмай, Худонинг ғазаби остида қолади.

Юҳанно 14:6 – Исо деди: – Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.

Ҳаворийлар 4:10-12 – 10. „Исо Масих номи билан... 12. Нажот бошқа ҳеч кимдан келмайди. Унинг номи – бутун оламда нажот берадиган ягона номдир.“

Оли Имрон 3:19 & 85 – 19. Албатта, Аллоҳнинг ҳузурдаги дин Исломдир... 85. Ким Исломдан бошқа динни хоҳласа, бас, ундан бу ҳаргиз қабул қилинмас ва у охиратда зиён кўргувчилардан бўлади.

Изоҳ: Инжилда Исо дунё Нажоткори сифатида тасвирланган 200 дан ортиқ оят бор.

85.

Масиҳнинг қони дунёнинг гуноҳлари учун қурбонлик (тўлов) сифатида қабул қилинганми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Ишаё 53:5-12 – 5. У эса бизнинг гуноҳларимизни деб ярадор бўлди, Бизнинг айбларимиз туфайли эзилди. ...Унинг яралари бизга шифо берди. 6. Ҳаммамизнинг айбларимизни Эгамиз унинг зиммасига юклади.

Юҳанно 1:29 – Яхё... шундай деди: – Ана, Худонинг Қўзиси! У дунёни гуноҳдан поклайди!

1 Коринфликлар 15:3-4 – 3. ...Муқаддас битикларга мувофиқ, Масиҳ гуноҳларимиз учун ўлган. 4. Кейин У дафн қилинди, учинчи куни эса тирилди. Буларнинг ҳаммаси Муқаддас битикларга мувофиқ содир бўлди.

Анъом 6:164 – Ҳеч бир жон бошқанинг оғирлигини кўтармас.

Исро 17:15 – Ҳеч бир жон ўзганинг оғирлигини кўтарувчи бўлмас.

Нажм 53:38 – Ҳеч бир гуноҳкор жон бошқанинг гуноҳини кўтармас.

86.

Масиҳнинг ўлиши Муқаддас Китобларда пайғамбарлар томонидан келтирилганми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Забур 16:10 – Уларнинг юрагида шафқатга жой йўқ, Оғизлари билан киборларча гапиреди.

Ишаё 53:1-12 – 11. ...уларнинг айбини ўзига олади... 12. ...Ахир, у ўзини ўлимга тутиб берди, Гуноҳкорлар қаторида саналди. Кўпларнинг гуноҳини у ўзига олди, Гуноҳкорлар учун васийлик қилди.

Дониёр 9:26 – Олтмиш икки карра етти йил ўтгач, Худо танлаган йўлбошчи ўлдирилади...

Оли Имрон 3:55 – Аллоҳ: Эй Ийсо, Мен сени вафот қилдирувчи ва ўзимга кўтарувчиман ҳамда куфр келтирганлардан сени покловчиман ва қиёмат кунигача сента эргашганларни куфр келтирганлардан устун қўювчиман...

Марям 19:30 & 33 – 30. ...У менга китоб берди ва мени Пайғамбар қилди. 33. Менга туғилган кунимда ҳам, ўладиган кунимда ҳам ва қайта тириладиган кунимда ҳам салом бордир...

87.

Исо Яхудийлар томонидан ўлдирилишини унинг ўзи олдиндан айтганми?

Муқаддас Китоб Ха / Йўқ Куръон

Матто 16:21 - 21. Шу вақтдан бошлаб, Исо шогирдларига...: "Мен Қуддусга бориб, йўлбошчилар, бош руҳонийлар ва Таврот тафсирчилари қўлида кўп азоб чекаман. Мени ўлдиришади, лекин учинчи куни Мен тириламан."

Юҳанно 10:11 & 15 - 11. Мен яхши чўпонман. Яхши чўпон қўйлари учун жонини фидо қилади. 15. Мен қўйларим учун жонимни фидо қиламан.

Юҳанно 12:32-33 - 32. Мен ердан юқорига кўтарилганимда, ҳаммани ўзимга жалб қиламан. 33. Исо бу сўзларни қай йўл билан ўлишини билдириш учун айтди.

Изоҳ: Исо яхудийлар томонидан ўлдирилишини айтган оятлар Қуръонда келтирилмаган.

88.

Масиҳ хочда жисмонан ўлган ва ўликдан тирилган деб қабул қилинадими?

Муқаддас Китоб Ха / Йўқ Куръон

Матто 27:50 - Аммо Исо қаттиқ фарёд қилди-ю, жон берди.

Марк 15:37 - Аммо Исо қаттиқ фарёд қилди-ю, жон берди.

Луқо 24:44 & 46 - 44. Исо оғир изтироб ичида жон-жаҳди билан ибодат қилди. Ундан оққан тер эса ерга томаётган қон томчиларига ўхшар эди. 46. Исо уларга: - Нега ухлаб ётибсизлар? Қани, туринглар, васвасага тушиб қолмайлик, деб ибодат қилинглар, - деди.

Юҳанно 19:30 - Исо шаробни татиб кўргач:

- Амалга ошди! - деди-ю, бошини эгиб, жон берди.

1 Коринфликлар 15:3-4 - 3. Муқаддас битикларга мувофиқ, Масиҳ гуноҳларимиз учун ўлган. 4. Кейин У дафн қилинди, учинчи куни эса тирилди..

Нисо 4:157 - Ҳолбуки уни ўлдирмадилар ҳам, осмадилар ҳам, лекин уларга шундай туюлди. У ҳақида ихтилофга тушганлар унинг ўлиmidан шак-шубҳададилар. У тўғрисида уларнинг билимлари йўқ, магар гумонга эргашарлар. Уни ўлдирмаганлари аниқдир.

89.

Бугун кунда Масих тирик ва яна қайтиб келади деб ҳисобланиладими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Юҳанно 14:2-3 - 2. Отам Худонинг уйида маскан кўп... Мен сизларга жой тайёрлагани кетяпман. 3. Мен бориб сизларга жой тайёрлайман-у, сизларни Ўзим билан олиб кетгани келаман...

Ваҳий 2:25 - фақат Мен келгунимга қадар, имонингизда қаттиқ туринглар, дейман...

Ваҳий 22:12 & 20 - 12. Мен тез келаман, мукофотим Ўзим билан. Ҳар кимга қилмишига ярашасини бераман. 20. "Ҳа, Мен тез келаман!" - деб айтмоқда. Омин! Ё Раббимиз Исо, келгин!

Нисо 4:158 - Балки уни Аллоҳ Ўзига кўтарди...

Зухруф 43:61 - Албатта, у (Ийсо) қиёмат соати илми-белгисидир. Бас, сиз у (соат) ҳақида ҳеч шубҳа қилманг...

Изоҳ: Муқаддас Китобда Масихнинг иккинчи бор келиши ҳақида 73 та оят бор.

90.

Муқаддас Китобда Ҳазрат Муҳаммаднинг келишини "олдиндан айтиб берувчи" ёки "башорат қилувчи" оятлар борми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Матто 24:11 & 26 - 11. Кўп сохта пайғамбарлар пайдо бўлади, улар кўпларни йўлдан уради. 26. Шундай қилиб, агар улар сизларга: «Қаранглар! У саҳрода!» деб айтсалар, борманглар...

Юҳанно 5:31 - Агар Мен Ўзим ҳақимда Ўзим гувоҳлик берсам, Менинг гувоҳлигим ҳақиқий бўлмайди.

2 Коринфликлар 13:1 - ...ҳар бир иш иккита ёки учта гувоҳнинг сўзлари асосида кўриб чиқилади.

Алроф 7:157 - Улар ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган, уларни яхшиликка буғриб, ёмонликдан қайтарадиган... Набий, Пайғамбарга эргашадилар...

Саф 61:6 - Ийсо ибн Мариям: «Эй Бани Исроил, албатта, мен ўзимдан олдин келган Тавротни тасдиқловчи ва мендан кейин келувчи Аҳмад исмли Расулнинг башоратини берувчи, Аллоҳ сизларга юборган Пайғамбарман»

91.

Ҳазрат Муҳаммад Худонинг пайғамбари бўлишга эришиб, унинг хабарларини етказиши учун, у саводли яҳудий бўлиши керак эдими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Юҳанно 4:22 - ...Чунки нажот яҳудийлардан келади.

Римликлар 3:1-2 - 1. Хўш, яҳудийларнинг қандай устунлиги бор? Ёки суннатнинг нима фойдаси бор? 2. Яҳудийлар ҳар жиҳатдан катта устунликка эгадирлар. Бу устунлик... шундан иборатки, Худонинг каломи уларга ишониб топширилган.

Римликлар 9:4 - Улар Исроил халқидир... Уларга Ўз қонунини бериб, уларни Ўзининг хизматига тайинлади ҳамда уларга Ўз ваъдаларини берди.

Аъроф 7:157-158 - ...уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган... Набий, Пайғамбарга эргашадилар... 158. Бас, Аллоҳга ҳамда Унинг Аллоҳ ва Унинг калималарига иймон келтирадиган уммий элчисига-Пайғамбарига иймон келтиринг...

Шуро 42:52 - ...Биз сенга Ўз амримиздан бир руҳни ваҳий қилдик. Сен китоб нималигини ҳам, иймон нималигини ҳам идрок қилмас эдинг.

92.

Ҳазрат Муҳаммаднинг пайғамбар бўлишга даъвогарлик қилгани, пайғамбарликнинг ҳақиқий синови ва далилими?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Юҳанно 5:31 ва 36* - 31. Агар Мен Ўзим ҳақимда Ўзим гувоҳлик берсам, Менинг гувоҳлигим ҳақиқий бўлмайди. 36. ...Буларнинг ҳаммаси Мени Отам юборганидан далолат беради.

1 Коринфликлар 14:32-33 - 32. Худонинг хабарини етказаетганда инсон ўз руҳини бошқара олади. 33. Ахир, Худо тартибсизлик Худоси эмас, балки тинчлик Худосидир.

2 Коринфликлар 13:1* - ...ҳар бир иш иккита ёки учта гувоҳнинг сўзлари асосида кўриб чиқилади.

Нисо 4:79 - Биз сени одамларга Пайғамбар қилиб юбордик. Шоҳидликка Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур.

Раъд 13:43* - Куфр келтирганлар: «Пайғамбар эмассан», дерлар. Сен: «Мен билан сизнинг орангизда Аллоҳ ва Китоб илми бор кимсалар етарли гувоҳдир», деб айт.

Фатҳ 48:28* - У Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан, у (дин)ни барча динлардан устун қилиш учун юборган зотдир.

93.

Ҳазрат Муҳаммаднинг хабари Исо ва бошқа пайғамбарлар хабарига тўлиқ мос келадими?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Ишә 8:20 - Арвоҳ чакирувчиларга боришни маслаҳат берганларга рўшнолик бўлмайди...

1 Коринфликлар 14:32-33 - 32. Худонинг хабарини етказаетганда инсон ўз руҳини бошқара олади. 33. Ахир, Худо тартибсизлик Худоси эмас, балки тинчлик Худосидир.

Шуаро 26:192-197 - 192. Албатта, у (Қуръон) Роббул Олабийннинг туширганидир. 196. Албатта, у (Қуръон) аввалгиларининг китобларида ҳам бордир. 197. Уни Бани Исроил уламоларининг билишлари, улар учун оят-далил эмасми?!

Фуссилат 41:43 - Сенга айтилаётган нарсани бор, батаҳқиқ, сендан олдинги Пайғамбарларга ҳам айтилгандир...

Шуро 42:15 - Мен Аллоҳ нозил қилган ҳар бир китобга иймон келтирдим.. Биз билан сизнинг орамизда жанжал(га ўрин) йўқ..

94.

Худо томонидан юборилганлигини тасдиқлаш учун Аллоҳ таоло Ҳазрат Муҳаммадга, Исо ва бошқа пайғамбарлар сингари равшан мўъжизалар қилиш ғайритабиий кучини берди ми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Йўқ Куръон

Юҳанно 5:36 - Буларнинг ҳаммаси Мени Отам юборганидан далолат беради.

Юҳанно 14:11 - ...қилган ишларим туфайли ишонинглар.

Анъом 6:37-38 - 37. Улар: «Унга Роббидан бир оят-мўъжиза тушса эди?» дерлар. Сен: «Албатта, Аллоҳ оят-мўъжиза туширишга қодирдир», деб айт.. 38. Китобга ҳеч нарсани кўймай ёзганмиз..

Юнус 10:20 - Ва улар: «Унга Роббидан оят-мўъжиза тушса эди», дерлар. Бас, сен: «Ғайб Аллоҳникидир. Интизор бўлиб туринг, мен ҳам сиз ила интизор бўлувчиларданман», деб айт.

Изоҳ: Инжилда Исо ва бошқа пайғамбарлар томонидан қилинган 157 та мўъжизалар ёзиб қўйилган, лекин Куръонда Ҳазрат Муҳаммад шунга ўхшаш нарса қилгани ҳақида ёзув йўқ.

95.

Ҳазрат Муҳаммаднинг келажақни Исо ва бошқа пайғамбарлар сингари "олдиндан айтиб бериш" ёки "башорат қилиш" каби илоҳий қобилияти бор эдимиз?

Муқаддас Китоб Йўқ / Йўқ Куръон

Қонунлар 18:22 - Агар бирор пайғамбар Эгамизнинг номидан гапирса-ю, ўша воқеа юз бермаса, демак, бу сўзни Эгамиз айтмаган бўлади. Пайғамбар ўзича гапирган, ундан кўрқманглар.

1 Шоҳлар 9:9 - Қадимда Исроилда кимдир Худонинг хоҳиш-иродасини билмоқчи бўлса, "Қани, валийга борамиз", дерди. Бугунги пайғамбар ўша вақтда валий дейиларди.

Ишæ 41:22 - Қани, бутларингизни олиб келинг, Келажақда нима бўлишини Бутларингиз айтиб берсин.. бўладиганларни бизга айтсин.

Анъом 6:50 - Сен: «Сизларга, ҳузуримда Аллоҳнинг хазиналари бор, демайман. Ғайбни биламан ҳам, демайман...», деб айт.

Аҳқоф 46:9 - Мен... сизларга нима қилинишини билмайман. Фақат, ўзимга ваҳий қилинаётган нарсагагина эргашурман.

96.

Ҳазрат Муҳаммаднинг Каъбадаги Қора Тошни ўпишини ёки унинг араб бутпараст худоларини улуғлашини Иброҳимнинг Худоси кечирадимиз?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Чиқиш 20:3-5 - 3. Мендан бошқа худоларга сажда қилманг. 5. Ўша худолар ёки бутларга сажда қилманг..

3 Шоҳлар 19:18 - Мен Исроил халқидан етти минг одамни қолдираман, улар Баал олдида тиз чўкмаган, бирортаси ҳам Баални ўпмаган.

2 Коринфликлар 6:16 - Худонинг маъбади билан бутлар орасида қандай умумийлик бор?!

Бақара 2:158 - Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳ (дини)нинг белгиларидандир. Ким Байтуллоҳни ҳаж ёки умра қилса, икковлари ўртасида саъйи қилиш гуноҳ эмас.

Нажм 53:18-20 - 19. Лот ва Уззони ўйлаб кўрдингизми? 20. Ва бошқаси-учинчиси Манотни ҳам?

Изоҳ: Ҳадис: Бухорий 2:667, 673-680 ва Анъом 6:103-109.

97.

Ҳазрат Муҳаммад ўзининг гуноҳларини мағфират қилинишини сўраши керак бўлган оддий бир инсон деб ҳисобланганми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Воиз 7:20 - Лекин бу дунёда ҳар доим солиҳлик қилиб, умуман гуноҳ қилмайдиган инсон йўқдир.

Матто 3:2 & 8 - 2. У: "...Осмон Шохлиги яқинлашди!" деб айтарди. 8. Тавбага яраша иш тутинглар!

Матто 9:12 - 12. Исо ...уларга шундай жавоб берди: - Соғлар эмас, хасталар табибга муҳтождир.

1 Юҳанно 1:8 - 8. Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўзимизни ўзимиз алдаган бўламиз ва бизда ҳақиқат бўлмайди.

Нисо 4:106 - Аллоҳга истиғфор айт!

Юсуф 12:53 - Ва ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка кўп ундовчидир...

Муҳаммад 47:19 - ...гуноҳларини мағфират қилинишини сўра.

Изоҳ: Ҳазрат Муҳаммад ўзининг нажот топишига ишончи йўқ эди: Аҳқоф 46:9; Ҳадис: Бухорий 5-жилд, 266 ва 234-236.

98.

Ҳазрат Муҳаммад пайғамбарларнинг энг охиргиси ва энг буюки ҳисобланадими?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Ваҳий 1:1, 8 & 17 - 1. ...Исо Масихнинг ваҳийси... 8. "Мен Ибтидо ва Интиҳодирман, - деб айтмоқда Эгамиз Худо. - Мен олдин бор бўлган, ҳозир ҳам бор, келажакда ҳам бор бўладиган Қодир Худодирман."

17. Қўркма! Мен Биринчи ва Охиргиман.

Ваҳий 22:13, 16 & 20 - 13. Мен Ибтидо ва Интиҳодирман, Биринчи ва Охирги, Боши ва Поёнидирман. 16. Мен... Ёруғ тонг юлдузиман. 20. Ҳа, Мен тез келаман! ...Омин! Ё Раббимиз Исо, келгин!

Аҳзоб 33:40 - Муҳаммад сизлардан бирон эркакнинг отаси бўлган эмас. Лекин Аллоҳнинг Расули ва Набийларнинг сўнггисидир. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билгувчидир.

Фатҳ 48:28 - У Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан, у (дин)ни барча динлардан устун қилиш учун юборган зотдир.

Изоҳ: Исонинг қайтиб келиши кутилмоқда, Ҳазрат Муҳаммад эса йўқ.

Инсон ва Гуноҳ

99.

Одам Ато билан Момо Ҳаво гуноҳ қилиб қўйганида, бу Худо билан инсон ўртаси ажралишига асосий омил бўлиб, натижада инсон зоти бу гуноҳи учун Худонинг ҳукмидан қутулишга муҳтож эдимиз?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Ибтидо 2:16-17 – 16. Парвардигор Эгамиз унга шундай амр қилди: "Сен боғдаги ҳамма дарахтнинг меvasидан бемалол еявер. 17. Лекин яхшилик ва ёмонликни билиш дарахтининг меvasидан емайсан, ундан ейшинг биланок, шубҳасиз, ўласан."

Римликлар 5:12-19 – 12. Бир одамнинг дастидан дунёга гуноҳ кириб келди. Гуноҳдан эса ўлим келиб чиқди. Натижада инсонлар ўладиган бўлди, чунки ҳамма гуноҳкордир.

Бақара 2:35-38 – 35. "Эй Одам, ...мана бу дарахтга яқин келманглар, бас, у ҳолда золимлардан бўласизлар", дедик. 37. Бас, Одам ўз Роббисидан сўзларни қабул қилиб олди, кейин У зот унинг тавбасини қабул қилди.

100.

Инсонларнинг "гуноҳкорлик табиати" билан туғилиши ҳақида оятлар борми? (Илк Гуноҳ)

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Ишаё 64:6 – Ҳаммамиз ҳаром бўлиб қолдик, Яхши ишларимизнинг ҳаммаси ҳайз латталари кабидир. Япроқлар каби сўлиб боряпмиз, Айбларимиз шамол каби, бизни учириб кетяпти.

Еремиё 13:23 – Ҳабашистонлик ўз терисининг рангини ўзгартира оладими?! Қоплон ўз терисидаги холларини йўқота оладими?! Шу сингари, сизлар ҳам яхшилик қила олмайсизлар, Ёмонлик қилишга одатланиб қолгансизлар!

Еремиё 17:9 – Одамнинг юраги шунчалик айёрки, Унинг давоси йўқ! Унинг ичидагини ким билади?!

Римликлар 3:23 – Ахир, ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрумдир.

Тоҳо 20:122 – Сўнгра Робби уни танлаб олди, бас, тавбасини қабул қилди ва ҳидоятга бошлади.

Тийн 95:4 – ...Биз инсонни энг яхши суратда яратдик.

Изоҳ: Ислом «илк гуноҳ» ҳақидаги таълимотни инкор этади.

101.

Барча инсонлар, шу жумладан, пайғамбарлар ҳам гуноҳқорми? (Исо бундан мустасно)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

3 Шоҳлар 8:46 – Сенинг олдингда улар гуноҳ қилганларида, чунки гуноҳ қилмайдиган одамнинг ўзи йўқ...

Забур 130:3 – Эй Исроил! Ҳозир ҳам, абадулабад Эгамиздан умид қилгин!

Ҳикматлар 20:9 – “Қалбимни тозаладим, гуноҳимдан холиман”, деб ким айта олади?!

Воиз 7:20 – Лекин бу дунёда ҳар доим солиҳлик қилиб, умуман гуноҳ қилмайдиган инсон йўқдир.

Римликлар 3:10 – Ҳеч бир солиҳ кимса йўқдир, Ҳатто биронта ҳам йўқ!

1 Юҳанно 1:8 – Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўзимизни ўзимиз алдаган бўламиз ва бизда ҳақиқат бўлмайди.

Юсуф 12:53 – Ва ўз нафсимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка кўп ундовчидир.

Иброҳим 14:34 – Албатта, инсон ўта золим...

Наҳл 16:61 – Агар Аллоҳ одамларни қилган зулмларига биноан тутганида, ер юзида битта ҳам жонзотни қўймас эди.

Шуаро 26:82 – Ва менинг хатоимни қиёмат куни мағфират қилишидан умидвор бўлганим ҳам Унинг Ўзи.

Муҳаммад 47:19 – ...гуноҳларини мағфират қилинишини сўра.

102.

Исонинг онаси Марям Худонинг илтифотларига эга эдими ва Худонинг Онаси сифатида ҳурмат қилиниши керакми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Йўқ Куръон

Ишаё 42:8 – Мен Эгангизман! Менинг номим шудир! Мен шуҳратимни бировга бермайман...

Юҳанно 2:3-5 – 3. Шароб тугай деб қолганда, онаси Исога: – Уларда шароб қолмабди, – деди. 4. – Бунинг Менга нима дахли бор?! Менинг вақт-соатим ҳали келгани йўқ, – деди Исо. 5. Шунда онаси хизматкорларга: – У сизларга нима деса, шуни қилинглар, – деди.

Исро 17:23 – Роббинг фақат Унинг Ўзигагина ибодат қилишингни... амр этди.

Зарийат 51:56 – Жин ва инсонни фақат Менга ибодат қилиш учунгина яратдим.

103.

Инсон гуноҳи уни Муқаддас Худодан ажратиб, ва табиийки гуноҳкорлар дўзахга юборилиши орқали жазоланишадими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Ҳа** Куръон

Ҳизқиёл 18:4 & 20 – 4. Фақат гуноҳ қилган одамгина ўлади. 20. Гуноҳ қилган одамгина ўлади.

Луқо 12:5 – Бироқ кимдан қўрқингиз кераклигини сизларга уқтирай: Худодан қўрқинглар, чунки У одамни ўлдириб, дўзахга ташлашга ҳам қодир. Ҳа, сизларга айтаман: Худодан қўрқинглар!

Ваҳий 20:13–15 – 13. Ҳар бир киши қилмишига яраша ҳукм этилди. 14. Ўлим ва ўликлар диёри олов кўлига ташланди... 15. Исмлари ҳаёт китобида ёзилмаганларнинг ҳаммаси олов кўлига ташланди.

Аъроф 7:41 – Уларга жаҳаннамдан тўшак ва устларига чойшаб бор. Золимларни мана шундай жазолаймиз.

Юус 10:27 – Ёмонликларни касб қилганларга эса ёмонликларига яраша ёмон жазо бўлур... Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

104.

Муқаддас Худо кичик гуноҳларни жиддий қабул қиладими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Матто 5:19 – Шу боис ким бу амрларнинг энг кичигига ҳам риоя қилмай, уни бошқаларга бузиб ўргатса, Осмон Шоҳлигида энг кичик бўлади.

Матто 12:36 – Яна шунга айтиб қўяй: сизлар айтадиган ҳар бир бемаъни сўзингиз учун қиёмат кунинда ҳисоб берасизлар.

1 Коринфликлар 5:6 – Наҳотки озгина хамиртуруш бутун хамирни ачитишини билмасангизлар?

Ёқуб 2:10 – Кимки... фақат бир нарсада гуноҳ қилса, у бутун қонунни бузган ҳисобланади.

Аҳзоб 33:5 – Билмасдан қилган хато нарсангиз учун сизга гуноҳ йўқ. Аммо дилдан қасд қилган бўлсангиз, Аллоҳ ўта мағфиратли ва ўта раҳмли зотдир.

Нажм 53:31–32 – 32. Улар кичик гуноҳлардан бошқа катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан четда бўладиганлардир. Албатта, Роббинг мағфирати кенг зотдир. Шундоқ экан, ўзингизни оқламанг...

105.

Ўғрининг қўлини кесиш мақбул жазоми?

Муқаддас Китоб **Йўқ** / **Ҳа** Куръон

Чиқиш 22:1-4 - 1. Бирортаси мол ёки қўйни ўғирлаб, сўйса ёки сотса, молнинг эвазига ўғри бешта мол, қўйнинг эвазига тўртта қўй тўласин. 4. Ўғирланган ҳайвон тириклайин ўғрининг қўлида топилса... икки баравар қилиб товон тўласин.

Ҳикматлар 6:30-31 - 30. Қорни очлигидан ўзини тўйдириш учун ўғирлик қилса, одамлар ундан нафратланмайди. 31. Лекин қўлга тушиб қолганда ўғирланган молининг ҳақини... қайтариши керак.

Луқо 6:35-36 - 35. Лекин сиз душманларингизни севинг, уларга яхшилик қилинг, қайтариб беришини ўйламай, қарз беринг. Шунда буюк мукофот олиб... 36. Осмондаги Отангиз раҳмдил бўлгани каби, сизлар ҳам раҳмдил бўлинглар.

Моида 5:38 - Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қўлларини кесинглар. Бу уларнинг қилмишига жазо ва Аллоҳдан тўқобдир.

106.

Баъзан мўминлар ўзларини ҳимоя қилиш учун бошқаларни алдаши ёки ёлғон гапириши мумкинми? (Тақийя ёки Китман)

Муқаддас Китоб **Йўқ** / **Ҳа** Куръон

Ҳикматлар 6:16-17 - 16. Олти нарсадан Эгамиз нафратланади, Булар: 17. манманлик нигоҳи, ёлғончи тил, ...

Зафаниё 3:13 - Исроил халқининг омон қолганлари, Ҳеч ёмонлик қилмайдилар. Улар ҳеч кимни алдамайдилар, Оғизларидан ёлғон сўз чиқмайди.

Эфесликлар 4:25 - Энди ёлғон гапиришни бас қилиб, ...

Ваҳий 21:8 & 27 - 8. Аммо... ҳамма ёлғончиларнинг қисмати олов ва олтингугурт билан ёнаётган қўлдадир... 27. Лекин ҳеч қандай... ёлғон гапирадиган биронта киши унга кирмайди.

Бақара 2:225 - Аллоҳ сизларнинг беҳуда қасамларингиз учун тутмайди.

Таҳрим 66:2 - Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга қасамларингизни бўшатишни шариятга киритди...

Note: Тақийя = рост бўлмаган нарсани гапириш.
Китман = Хатолик туфайли ёлғон гапириш.

107.

Гомосексуализм ҳаром қилинган ва ҳукм қилинадиган гуноҳ ҳисобланадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Левилар 18:22 - Аёл билан ётгандай, эркак киши билан ётманг. Бу жирканчдир.

Левилар 20:13 - Агар эркак аёл билан ётгандай бошқа эркак билан ётса, уларнинг иккови жирканч иш қилган бўладилар. Иккови ҳам ўлдирилсин, уларнинг қони ўз гарданида қолади.

Римликлар 1:26-27 - 26. ... Худо уларни ўзларининг беҳаё эҳтиросларига топширди. 27. ... қилмишларига яраша жазо торгяптилар.

Аъроф 7:80-81 - 80. Ва Лутни (юбордик). Унинг ўз қавмига: «Сиздан олдин оламларда ҳеч ким қилмаган фоҳиша ишни қиласизларми?! 81. Албатта, сизлар аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қилмоқдасизлар. Йўқ! Сизлар исрофчи қавмсиз!» деганини эсла.

Намл 27:54-55 - 54. ... «Сиз кўриб-билиб туриб, фоҳиша иш қиласизми?! 55. Сиз, албатта, аёлларни қўйиб, эркакларга шаҳват ила яқинлик қиласизми?!...

108.

Аборт қилиш ва ўлдириш ҳаром қилинган ва ҳукм қилинган гуноҳлар ҳисобланадими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Ибтидо 9:6-7 - 6. Кимки инсон қонини тўкса, Унинг қонини ҳам инсон тўкар. Зеро, инсон зотини Мен, Худо, Яратганман ўз суратимда. 7. Баракали бўлиб кўпайинглр...

Чиқиш 20:13 - Қотиллик қилманг.

Чиқиш 21:12 - Бирортаси бошқасини уриб ўлдириб қўйса, урган одамнинг жазоси ўлимдир.

Ҳикматлар 6:16-17 - 16. Олти нарсадан Эгамиз нафратланади, етти нарсадан У жирканади. Булар: 17. ... бегуноҳ қонни тўкадиган кўллар...

Моида 5:32 - Ким бир жонни ноҳақдан ёки ер юзида фасод қилмаса ҳам ўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдирган бўлади...

Исро 17:31 - Болаларингизни фақирликдан кўркиб ўлдирманг. Биз уларни ҳам, сизларни ҳам ризқлантирамыз. Албатта, уларни ўлдириш катта хатодир.

109.

Гуноҳ учун жазо "якши ишлар" билан ўчирилиши мумкинми? (Савоб)

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Римликлар 3:28 - Ахир, инсон қонун талабларини бажо қилиш орқали эмас, балки имон орқали оқланади...

Галатияликлар 3:11 - Шундай экан, кўришиб турибдики, қонунга амал қилиш билан ҳеч ким ўзини Худо олдида оқлай олмайди, зотан, солиҳ инсон имон туфайли ҳаётга эга бўлади

Титус 3:5-6 - Савоб ишларимиз туфайли эмас, балки ўзининг раҳм-шафқати туфайли У бизни қутқарди...

Ёқуб 2:10 - Кимки қонуннинг ҳаммасига риоя қилса-ю, фақат бир нарсада гуноҳ қилса, у бутун қонунни бузган ҳисобланади.

Ҳуд 11:114 - Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказади.

Анкабут 29:7 - Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларнинг ёмонликларини, албатта, ўчирурмиз...

Нажм 53:32 - Улар кичик гуноҳлардан бошқа катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан четда бўладиганлардир. Албатта, Роббинг мағфирати кенг зотдир.

Нажот

110.

Инсон "Христиан" ёки "Мусулмон" бўлиб туғилладими?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Юҳанно 1:12-13 - 12. Аммо Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига, Унга имон келтирганларга, У Худонинг фарзанди бўлиш ҳуқуқини берди. 13. Улар тана хоҳишидан эмас, Эр хоҳишидан ҳам эмас, Табиий йўл билан эмас, Балки Худодан туғилган фарзандлардир.

Юҳанно 3:5 - Исо шундай жавоб берди: — ...сувдан ва Рухдан туғилмаган биронта одам Худонинг Шоҳлигига киролмайди.

1 Вутрус 1:23 - Ахир, сизлар янгидан туғилгансизлар. Бу янги ҳаётни сизга фоний бандалар эмас, балки абадий ва ҳаётбахш Худонинг каломи ато этган.

Кофирун 109:1-6 - 1. Айт: «Эй кофирлар!» 6. Сизга ўз динингиз, менга ўз диним.

Изоҳ: Инжилга мувофиқ, киши христиан бўлиб туғилмайди; фақат Худонинг Рухи томонидан "қайта туғилганлар" Худонинг шоҳлигига кира олади. Ислонда мусулмон отадан туғилган киши, туғилганидан мусулмон ҳисобланади.

111.

Инсоннинг нажот топиши унинг яхши амалларига боғлиқми? (Амаллар)

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Римликлар 4:2 - Агар Иброҳим савоб ишлари туфайли оқланганда эди, унинг мақтанишга ҳақи бўларди, аммо Худонинг олдида ҳеч қим мақтана олмайди.

Эфесликлар 2:8-9 - 8. Ахир, сизлар Худодан иноят топиб, имон орқали нажот топгансиз. Бу Худонинг инъомидир, сизнинг ютуғингиз эмас. 9. Яна ҳеч қим: "Мен савоб ишларим туфайли қутулганман", деб мақтанмасин.

Титус 3:4-5 - 4. Аммо нажоткоримиз Худо бизга бўлган эзгулиги ва меҳр-муҳаббатини кўрсатди. 5. Савоб ишларимиз туфайли эмас, балки Ўзининг раҳм-шафқати туфайли У бизни қутқарди. Муқаддас Рух орқали гуноҳларимизни ювди, ...янги ҳаёт ато этди.

Ҳуд 11:114 - Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказади.

Анкабут 29:7 - Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларнинг ёмонликларини, албатта, ўчиурмиз ва уларни қилган амалларининг энг яхшиси ила мукофотлармиз.

112.

Гуноҳ жазосидан Худонинг нажотини олиш, ҳар доим қон қурбонлиги эвазига боғлиқми? (Покланиш)

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Левилар 17:11 - Зотан, жонзотнинг жони унинг қонидир. Эгамиз қонни сизларга қурбонгоҳ устида гуноҳларингизни ювиш учун берган. Жон ато этадиган қон сизларни гуноҳларингиздан поклайди.

Ибронийлар 9:12 & 22 - 12. ...Ўз қони эвазига.. бизни то абад гуноҳлардан озод қилди. 22. Дарҳақиқат, Мусонинг қонуни бўйича деярли ҳамма нарса қон билан покланади, тўкилган қон орқалигина гуноҳлар кечирилади.

Бақара 2:48 - Бир жон бошқасидан ҳеч нарсани адо қила олмайдиган, ундан шафоат қабул қилинмайдиган, ундан тўлов олинмайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган кундан қўркинг.

Ҳаж 22:37 - Уларнинг гўштлари ҳам, қонлари ҳам зинҳор Аллоҳга етмайдир. Лекин Унга сиздан тақво этадир.

113.

Худонинг Нажотини фақат Худо Қўзисининг тўкилган қони орқали покланишга ишониш орқали олиш мумкинми? (Исо Масих)

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Юҳанно 1:29 – Эртаси куни Яҳё Исонинг яқинлашиб келаётганини кўриб, шундай деди: – Ана, Худонинг Қўзиси! У дунёни гуноҳдан поклайди!

Римликлар 3:24-28 – 24. Лекин гуноҳкорлар Исо Масих орқали гуноҳларидан озод бўладилар. 25. Масихга ишонганларнинг ҳаммаси Унинг тўкилган қони орқали Худо билан ярашди. 28. Ахир, инсон қонун талабларини бажо қилиш орқали эмас, балки имон орқали оқланади, биз бунга қаноат ҳосил қилдик.

Эфесликлар 1:7 – Масихнинг тўкилган қони орқали Худо бизни кечириб, гуноҳларимиздан озод қилди.

Эфесликлар 2:8 – ...имон орқали нажот топгансиз.

Анъом 6:164 – Ҳар бир жон ёмон касб қилса, фақат ўзига зиён қиладир. Ҳеч бир жон бошқанинг оғирлигини кўтармас.

Исро 17:15 – Ҳеч бир жон ўзганинг оғирлигини кўтарувчи бўлмас.

Нажм 53:38 – Ҳеч бир гуноҳкор жон бошқанинг гуноҳини кўтармас.

114.

Инсон абадий ҳаётга эришиш учун, аввало Исо Масихнинг Хушхабарини эшитиши, тушуниши ва Худо дунёнинг Нажоткори бўлган Масихни юборганига ишониши керакми?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Римликлар 10:9-10 & 17 – 9. Агар ўз оғзингиз билан Исони Раббим деб эътироф этиб, Худо Уни ўлиқдан тирилтирганига чин юракдан ишонсангиз, нажот топасиз. 10. Чунки инсон қалбидан ишониб оқланади ва оғзи билан эътироф этиб нажот топади. 17. Демак, имон тингладан, яъни Масих ҳақидаги Хушхабарни эшитишдан келиб чиқади.

Бақара 2:119-120 – 119. Албатта, Биз сени ҳақ билан суюнчли хабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик... 120. Сендан яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам уларнинг миллатига эргашмагунингча ҳеч-ҳеч рози бўлмаслар. «Албатта, Аллоҳнинг хидояти ҳақиқий хидоятдир», деб айт.

115.

Исо Масихга Қутқарувчи ва Раббий деб ишониш инсон гуноҳларининг кечирилиши ва абадий ҳаётга эга бўлишининг ягона йўлими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Қуръон

Юҳанно 11:25 - Исо унга деди: – Мен тирилиш ва ҳаётдирман. Менга ишонган одам ўлса ҳам яшайди.

Юҳанно 14:6 - Исо унга деди: – Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Отанинг олдига олиб борадиган Мендан бошқа йўл йўқ.

Юҳанно 17:3 - Абадий ҳаёт эса Сени – ягона ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Исо Масихни таниб-билишдан иборатдир.

Оли Имрон 3:19-20 - 19. Албатта, Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Исломдир. Китоб берилганлар фақат уларга илм келгандан сўнг ўзаро ҳасад қилишибгина ихтилоф қилдилар.. 20. Агар Исломга кирсалар, бас, батаҳқиқ, ҳидоят топдилар. Агар юз ўтирсалар, сенинг зиммангда етказиш, холос. Аллоҳ бандаларни кўриб турувчидир.

116.

Бугунги кунда имонлилардан сувга чўмиш талаб қилинадими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Қуръон

Матто 28:19-20 - 19. Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдириглар. 20. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Зотан, Мен ҳар доим, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан."

Марк 16:16 - Кимки.. сувга чўмдирилса, нажот топади.

Ҳаворийлар 2:38 - Бутрус уларга деди: – Тавба қилинглар, ҳар бирингиз Исо Масихнинг номи билан сувга чўминглар, токи гуноҳларингиз кечирилсин. Шунда сизлар Муқаддас Рухни инъом қилиб оласизлар.

Ҳаворийлар 22:16 - Энди нимани кутяпсан? Ўрнингдан тур, сувга чўмгин. Раббимизга илтижо қилиб, гуноҳларингни ювгин.

Изоҳ: Қуръонда сувга чўмиш ҳақида оят келтирилмаган.

117.

Ҳозирда эркак мўминнинг суннат қилиниши талаб этиладими?

Муқаддас Китоб **Йўқ** / **Ҳа** Куръон

Ҳаворийлар 15:5-11 - Шундай экан, нима учун шоғирдларнинг елкасига оғир юк ортиб, Худони синаяписизлар?!

1 Коринфликлар 7:18 & 20 - 18. Биров суннатли бўлганда даъват этилдими, жарроҳлик ёрдамида қайта суннат қилинмагандай суннатини ўзгартирмасин. Бошқа биров суннатсиз бўлганда даъват этилдими, суннат қилинмасин. 20. Ҳар ким қандай ҳолатда даъват этилган бўлса, ўша ҳолатини ўзгартиришга уринмасин.

Галатияликлар 5:2 - Мана, мен, Павлус, сизларга айтяпман: агар сизлар суннат қилинсангиз, Масихнинг сизларга ҳеч қандай фойдаси йўқ.

Галатияликлар 5:6 - Исо Масихга тегишли бўлганлар орасида суннат қилинган, қилинмаганликнинг ҳеч аҳамияти йўқ ...мехр-муҳаббат орқали ифодаланган имонимиз муҳимдир.

Наҳл 16:123 - Сўнгра сенга: «Иброҳимнинг ҳаққа мойил миллатига эргаш...», деб ваҳий қилдик.

Изоҳ: Исломда суннат қилиш, Иброҳим динининг бир қисмидир ва шунинг учун мусулмонлар учун мажбурийдир. Бу ушбу ҳадисларда ҳам келтирилган: Вухорий 1252, Фатх ал-Бари 6:388; ва Муслим 4:2370.

118.

Одамларни "муқаддас" бўлишга амр этган оятлар борми?

"Муқаддаслик" Жаннатга киришнинг биринчи шартими?

Муқаддас Китоб **Ҳа** / **Йўқ** Куръон

Левилар 11:44 - Зотан, Мен Эгангиз Худоман.

Ўзингизни Менга бағишлаб муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман.

1 Коринфликлар 3:16-17 - 16. Сизлар Худонинг маъбадисизлар.. 17. ...Худонинг маъбади муқаддасдир, бу маъбад эса сизларсиз.

Ибронийлар 12:14 - Ҳамма билан тинч-тотув яшашга ҳаракат қилингллар. Ҳалол ҳаёт кечиришга тиришингллар, акс ҳолда, Эгамизни кўра олмайсизлар.

1 Бутрус 1:15-16 - 15. Аксинча, бутун юриш-туришингизда муқаддас бўлинглар.. 16. Худонинг Ўзи: "Муқаддас бўлинглар, чунки Мен муқаддасман", деган.

Ваҳий 22:11 - ...муқаддас одамлар ўзини муқаддас сақласин.

Изоҳ: Қуръонда одамлар муқаддас бўлишлари ёки улар муқаддас бўлиши мумкинлигини кўрсатадиган оятлар йўқ

119.

Одамлар ўзларининг хожиш-иродаларини тоблаш орқали Худонинг фарзандлари бўлишлари мумкинми?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Юҳанно 1:12 - Аммо Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига, Унга имон келтирганларга, У Худонинг фарзанди бўлиш ҳуқуқини берди.

Римликлар 8:14 & 16 - 14. Худо Рухининг етакчилигида яшайдиганларнинг ҳаммаси Худонинг фарзандларидир. 16. Худонинг Рухи бизнинг руҳимизга кўшилиб, биз Худо фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бериб туради.

Ғалатияликлар 3:26 - Энди сизлар Исо Масиҳга бўлган имонингиз орқали Худонинг фарзандисизлар.

Ибронийлар 12:5-6 - 5. Худонинг сизларга ўз фарзандлари сифатида айтган мана бу далда сўзлари... Ўғлим, Эгамизнинг тарбиясига эътиборсиз бўлмагин... 6. Зеро, Эгамиз яхши кўрган бандасини тарбиялайди...

Моида 5:18 - Яҳудий ва насоролар: «Биз Аллоҳнинг ўғилларимиз ва Унинг маҳбубларимиз», дедилар. Уларга: «Ундай бўлса, нимага У сизларни гуноҳларингиз туфайли азоблайдир? Балки сизлар У яратган башардирсизлар...

120.

Одамнинг тақдири бутунлай Худо томонидан олдиндан белгилаб қўйилганми? (Тақдир ёки Қисмат)

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Қонунлар 11:26-27 - 26. Мана бугун мен сизларга баракани ёки лаънатни танланг, деяпман. 27. ...Эгангиз Худонинг амрларини бажарсангиз, барака топасиз.

Қонунлар 30:19 - Бугун мен сизларга ҳаётни ёки ўлимни, баракаларни ёки лаънатларни танлаш имкониятини бердим. Ҳаётни танланг...

Ёшуа 24:15 - ...кимга хизмат қилишингизни бугун танланг. ...Мен ва оилам эса Эгамизга хизмат қиламиз.

Тавба 9:51 - Сен: «Бизга Аллоҳ ёзиб қўйган нарсадан ўзгаси зинҳор етмайди...», деб айт.

Қасас 28:68 - Уларда ихтиёр ҳаққи йўқдир.

Аҳзоб 33:38 - Аллоҳнинг амри белгиланган қадар бўлди.

Изоҳ: Христианлар орасида Арминияликлар "Йўқ", аммо Калвинистлар "Ҳа" дейишади.

121.

Худо жаннатга ёки дўзахга боришларини аниқлаш учун инсоннинг яхши ва ёмон ишларини ўлчаш учун мувозанат ўлчовидан фойдаланадими? (Тарози)

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Эфесликлар 2:8-9 - 8. Ахир, сизлар Худодан иноят топиб, имон орқали нажот топгансиз. Бу Худонинг инъомидир, сизнинг ютуғингиз эмас. 9. Яна ҳеч ким: "Мен савоб ишларим туфайли қутулганман", деб мақтанмасин.

Титус 3:4-5 - 4. Аммо нажоткоримиз Худо бизга бўлган эзгулиги ва меҳр-муҳаббатини кўрсатди. 5. Савоб ишларимиз туфайли эмас, балки Ўзининг раҳм-шафқати туфайли У бизни қутқарди.

Аъроф 7:8-9 - 8. Бас, кимнинг тортилган (амаллари) оғир келса, ана ўшалар нажот топгувчилардир. 9. Ва кимнинг тортилган (амаллари) енгил келса, бас, ана ўшалар... ўзларига зиён этганлардир.

Мўминун 23:102-103 - 102. Кимнинг мезонлари оғир келса, бас, ана ўшалар, ўзлари нажот топгувчилардир. 103. Кимнинг мезони енгил келса, ...ўзларига зиён қилибдилар. Жаҳаннамда абадий қолгувчи бўлибдилар.

122.

Инсоннинг Худо Шоҳлигига киришига эришиши учун аввало "руҳий қайта туғилишга" эга бўлиши ва "қайта туғилиши" керакми?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Юҳанно 1:12-13 - 12. Аммо Уни қабул қилганларнинг ҳаммасига, Унга имон келтирганларга, У Худонинг фарзанди бўлиш ҳуқуқини берди. 13. Улар тана хоҳишидан эмас, Эр хоҳишидан ҳам эмас, Табиий йўл билан эмас, Балки Худодан туғилган фарзандлардир.

Юҳанно 3:3 - Исо унга шундай жавоб берди: ...қайтадан туғилмаган ҳеч одам Худонинг Шоҳлигини кўролмайди.

2 Коринфликлар 5:17 - Винобарин, ким Масихга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Эски ҳаёт ўтиб кетди, янгиси эса бошланди.

1 Бутрус 1:23 - ...сизлар янгидан туғилгансизлар. Бу янги ҳаётни сизга фоний бандалар эмас, балки абадий ва ҳаётбахш Худонинг каломи ато этган.

Изоҳ: Куръонда руҳий қайта туғилиш ёки «қайта туғилиш» кераклиги хақида ҳеч нарса айтилмаган.

123.

Масиҳга ишонган барча ҳақиқий имонлиларга Худо абадий ҳаёт ваъдасини ёки кафолатини берадими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Ҳа** Куръон

Юҳанно 3:36 - Худонинг ўғлига ишонган ҳар бир одам абадий ҳаётга эга бўлади.

Юҳанно 5:24 - ..Менинг сўзларимни тинглаган ва Мени Юборганга ишонган киши абадий ҳаётга эгадир.

Оли Имрон 3:55 & 113-115 - 55. Аллоҳ: «Эй Ийсо, Мен сени вафот қилдирувчи ва ўзимга кўтарувчиман ҳамда куфр келтирганлардан сени покловчиман ва қиёмат кунигача сенга эргашганларни куфр келтирганлардан устун қўювчиман...» 113. Аҳли китоблардан Аллоҳнинг оятларини сажда қилган ҳолларида кечасида тиловат қиладиган яхши тоифалари ҳам бор. 114. Ана ўшалар аҳли солиҳлардандир. 115. Яхшилик қилсалар, ҳаргиз инкор этилмаслар.

Моида 5:47 & 69 - 47. Инжил аҳли... Ким Аллоҳ нозил қилган нарса ила ҳукм юритмаса, ўшалар фосиқлардир. 69. ...насоролардан ким Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирса ва яхши амал қилса, уларга хавф йўқ...

Келажакдаги Нарсалар

124.

«Пайғамбар» ва «башорат» сўзлари асосан Худонинг инъоми орқали келажак ҳақида билимга эга бўлган кишига нисбатан ишлатилганми? (Наби)

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

1 Шоҳлар 9:9 - Қадимда Исроилда кимдир Худонинг хоҳиш-иродасини билмоқчи бўлса, "Қани, валийга борамиз", дерди. Бугунги пайғамбар ўша вақтда валий дейиларди.

Ваҳий 19:10 - ..Исо ҳақида шаҳодат берганлар пайғамбарлардир, улар Худонинг ҳақ хизматкорларидир.

Аъроф 7:158 & 188 - 158. Бас, Аллоҳга ҳамда Унинг Аллоҳ ва Унинг калималарига иймон келтирадиган уммий элчисига-Пайғамбарига иймон келтиринг... 188. Мен фақат иймон келтирадиган қавмлар учун огоҳлантирувчи ва башорат берувчиман...

Аҳқоф 46:9 - Сен: «Мен биринчи Пайғамбар эмасман, менга ва сизларга нима қилинишини билмайман. Фақат, ўзимга ваҳий қилинаётган нарсагагина эргашурман. Мен очиқ-ойдин огоҳлантирувчиман, холос», деб айт.

125.

Дунёнинг охирида бўлиб ўтадиган келажақдаги воқеалар ҳақида батафсил маълумот берилганми? (Эсхатология / Ғайб хабар)

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Қуръон

Матто 24:3, 14 & 25 - 3. – Бизларга айтилинг-чи, бу ҳодисалар қачон юз беради? Сизнинг келишингизни ва охирзамон яқинлашганини нимадан билсак бўлади? 14. Осмон Шохлиги тўғрисидаги Хушxabар бутун дунё бўйлаб ваъз қилинади, ҳамма халқлар уни эшитади. Шундагина охирзамон келади. 25. Мана, Мен сизларга олдиндан айтиб қўйдим.

Ваҳий 1:1 – Яқин орада юз берадиган ҳодисаларни Худо ўз қулларига аён қилиш учун бу ваҳийни Исо Масиҳга берди.

Анъом 6:50 – Сен: «Сизларга, ҳузуримда Аллоҳнинг хазиналари бор, демайман. Ғайбни биламан ҳам, демайман. Ва яна сизларга, мен фариштаман, ҳам демайман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган нарсага эргашаман, холос», деб айт.

126.

Охириги кунларда келадиган қудратли шайтон ҳукмдорининг келиши ҳақида башоратли оятлар борми? (Дажол / Меҳдий)

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Қуръон

Матто 24:21-25 – 23. ...ишонманглар. 24. Чунки сохта масиҳлар ва сохта пайғамбарлар пайдо бўлиб...

2 Салоникаликлар 2:7-9 – 8. ...қабих одам ошкор қилинади. Уни Раббимиз Исо бир нафас билан ҳалок қилади... 9. Ўша қабих одам шайтоннинг кучи билан келади...

1 Юҳанно 2:18 – Болажонларим, дунёнинг сўнгги дамлари келди! Масиҳнинг душмани келишини эшитгансизлар. Мана, ҳозирдан Масиҳнинг кўп душманлари пайдо бўлди. Ана шундан биз сўнгги дамларда яшаётганимизни биламиз.

Ваҳий 6:1-2 – 2. Шунда мен бир оқ отни кўрдим. От устида камони бор сувори ўтирарди. Унга бир тож берилди. У босқинчи бўлиб, душманларини босиб олиш учун йўлга чиқди.

Изоҳ: Қуръонда Дажолнинг ёки Маҳдийнинг келиши келтирилмаган.

127.

Худо ҳар бир инсонни ўликдан тирилтирадиган,
жаннатга ёки дўзахга юборилишини баҳолайдиган
"Қиёмат куни" бўладими? (Ожират куни)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Қуръон

Ибронийлар 9:27 – Инсон зоти бир марта ўлади, сўнг
Худо томонидан ҳукм қилинади.

2 Бутрус 2:9 – Эгамиз тақводорларни кулфатлардан
кутқара олади, бетавфиқларни эса қиёмат кунидаги
азоблар учун сақлайди.

Ваҳий 20:11-15 – 12. Ўликлар китобларда ёзилгани
бўйича қилмишларига яраша ҳукм этилди. 15. Исмлари
ҳаёт китобида ёзилмаганларнинг ҳаммаси олов кўлига
ташланди.

Бақара 2:113 – ..Бас, қиёмат куни ораларида Аллоҳ
улар ихтилоф қилган нарса ҳақида ҳакамлик қилади.

Оли Имрон 3:185 – Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир.
Қиёмат куни ажрларингизни тўлиғича олурсиз.

128.

**Ҳамма маълум вақт давомида жаҳаннамда азоб чекиши
керакми?**

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Қуръон

Юҳанно 5:24 – Менинг сўзларимни тинглаган ва Мени
Юборганга ишонган киши абадий ҳаётга эгадир. У ҳукм
қилинмайди. Зотан, у ўлимдан ҳаётга ўтган.

Римликлар 8:1 – Исо Масихга тегишли бўлганлар энди ҳукм
қилинмайдилар.

1 Салоникаликлар 5:9 – Чунки Худо бизни ғазабга учрасин
деб эмас, балки Раббимиз Исо Масих орқали нажот топишимиз
учун тайинлади.

Оли Имрон 3:185 – Ким дўзахдан узоқлаштирилса ва жаннатга
киритилса, шубҳасиз, ютибди.

Марья 19:70-72 – 70. Кейин, албатта, Биз
у (жаҳаннам) га киришга кимлар лойиқроқ эканини яхши
билгувчимиз. 71. Сиздан унга яқинлашувчи бўлмаган
ҳеч ким йўқ. Бу Роббинг ҳузуридаги кескин ҳукмдир.
72. Сўнгра тақво қилганларга нажот берамиз ва
золимларни унда тиз чўккан ҳолларида қолдирамиз.

129.

Агар бирор киши жаҳаннамга юборилса, кейинчалик ундан чиқарилиши ва жаннатга юборилиши эҳтимоли борми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Матто 25:41 & 46 - 41. Сўнг У чап томондагиларга ҳам айтади: — Эй лаънатилар, кўзимдан йўқолинглар! Иблис ва унинг фаришталарига тайёрлаб қўйилган абадий оловга мубтало бўлинглар! 46. Булар абадий жазога... муяссар бўладилар.

Луқо 16:25-26 - 25. Иброҳим унга...: — ...у бу ерда тасалли топяпти, сен бўлсанг, азоб чекапсан. 26. ...сен билан бизнинг орамизда тубсиз жарлик бор. Бу ердан сиз томонга ўтмоқчи бўлганлар ўта олмайдилар ва у ердан биз томонга ҳам ўтмайдилар.

Анъом 6:128 - ...У зот: «Қайтар жойингиз дўзахдир. Магар Аллоҳ хоҳласа (қолмайсиз)...

Ҳуд 11:106-107 - 106. Бас, бадбахт бўлганлар дўзахдалар. 107. ...унда абадий қолурлар. Магар Роббинг хоҳласа, (абадий қолмаслар).

130.

Тириладиган тана гўшт, суяк ва қондан иборат жисмоний танами?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

1 Коринфликлар 15:35-50 - 35. Ўликлар қандай қилиб тириларкан? Уларнинг таналари қанақа бўларкан? 44. Ҳозирги танамиз моддий бир жисм бўлса, тириладиган танамиз руҳий бир тана бўлади. Ахир, моддий тана бор экан, руҳий тана ҳам бор-да! 50. ...қон ва этдан иборат бўлган таналаримиз Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўла олмайди.

Бақара 2:25 & 259 - 25. Уларга бу ерда покиза жуфтлар бор ва улар у ерда абадий қолурлар. 259. ...уларни қандоқ ҳаракатга соламиз ва уларга қандоқ гўшт кийгизамиз...

Зухруф 43:70 - Жаннатга киринглар, сизлар ва жуфтларингиз шод бўлурсизлар.

Воқеа 56:35-38 - 35. Албатта, Биз у (хурлар)ни дафъатан, хос қилиб, яратдик. 36. Бас, уларни боқиралар қилдик.

Наба 78:33 - Ва янги бўйи етган бир хил ёшдаги қизлар бордир.

131.

Жаннатда жинсий алоқалар ва никоҳлар бўладими? (Хур)

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

Матто 22:28-33 - 28. ...Худо одамларни тирилтирганда хотин еттовидан қайси бирининг хотини ҳисобланади? Ахир, ҳаммаси унга уйланган эди-ку. 29. Исо уларга шундай жавоб берди: – Сизлар Муқаддас битикларни ҳам, Худонинг қудратини ҳам билмайсизлар, ана шу сабабдан адашяпсизлар. 30. Ўликлар тирилганда уйланмайдилар, эрга ҳам тегмайдилар, балки бамисоли самодаги фаришталардай бўладилар.

1 Коринфликлар 15:50 - ...қон ва этдан иборат бўлган таналаримиз Худонинг Шоҳлигидан бахраманд бўла олмайди. ...фоний тана мангу ҳаётга эга бўла олмайди.

Тур 52:20 - Ва уларни гўзал кўзли хурларга уйлаб қўйганмиз.

Раҳмон 55:55-56, 70-72 - 55. Бас, Роббингизнинг қайси неъматларини ёлғон дея олурсиз?! 56. Уларда кўзлари тийилган, аввал инс ҳам, жин ҳам тегмаган (хур)лар бор. 70. Уларда яши, гўзаллар бор. 72. Чодирларни лозим тутган хурлар бор.

132.

Умумжаҳон черкови "Масиҳнинг Келини" деб ҳисобланганми?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Қуръон

Эфесликлар 5:23, 25, & 32 - 23. Масиҳ имонлилар жамоатининг боши.. 25. Эй эрлар, Масиҳ жамоатни яши кўриб, Ўзини жамоат учун фидо қилганидай, сизлар ҳам хотинларингизни шундай яши кўринглар. 32. Бу буюк сирдир, энди бу сир Масиҳ ҳамда жамоатга ҳам тааллуқлидир.

Ваҳий 19:7 - Севиниб хурсанд бўлайлик, Ҳаммамиз Уни улуғлайлик! Ахир, Қўзининг никоҳ куни келди, Унинг келини ўзини тўйга тайёрлади.

Ваҳий 21:9 - ...Мен сенга келинни, Қўзининг хотинини кўрсатаман.

Ваҳий 22:17 - Руҳ ҳам, келин ҳам: "Кел!" – деб чорлапти. Ушбу башорат сўзларни тинглаётган киши ҳам: "Кел!" – деб айтсин. Қим чанқаган бўлса, келсин. Қим хоҳласа, ҳаётбахш сувдан текин баҳра олсин.

Изоҳ: Қуръонда черков фақат бир марта келтирилган ва "Масиҳнинг Келини" ҳақида кўрсатилмаган: Ҳаж 22:40.

Амалий Ҳаёт Масалалари

133.

Худо бугунги кунда иймонлилардан шариат асосида яшашларини хоҳлайдими? (Шариат)

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

Римликлар 6:14 – Гуноҳ сизларнинг устингиздан ҳукмрон бўлмайди, чунки сизлар энди қонун остида эмас, балки иноят паноҳидасизлар.

Римликлар 10:4 – Исо Масих эса қонуннинг мақсадини амалга оширди, шу тариқа ҳамма имон орқали оқланади.

Галатияликлар 3:11 & 25 – 11. ...қонунга амал қилиш билан ҳеч ким ўзини Худо олдида оқлай олмайди, зотан, солиқ инсон имон туфайли ҳаётга эга бўлади. 25. Имон йўли аён бўлган экан, биз энди мураббийнинг тарбиясида эмасмиз.

Моида 5:48 – Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик.

Жосия 45:18 – Сўнгра Биз сени (дин) ишида бир шариатга йўлладик. Бас, унга эргаш..

134.

Мўмин учун шароб ичиш таъқиқланганми?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

Луқо 7:34-35 – 34. Инсон Ўғли келиб, ҳам еди, ҳам ичди. Уни эса сизлар: «Ебтўймас, шаробхўр, солиқчилар ва гуноҳкорларнинг дўсти», дейсизлар. 35. ...Худонинг донолигини тан олганлар Унинг донолиги тўғри эканлигини кўрсатиб турибдилар.

Юҳанно 2:1-11 – 3. Шароб тугай деб қолганда... Исо хизматкорларга: Хумларни сувга тўлдириңглар... 9. Тўйбоши шаробга айланган сувни татиб кўрди.

1 Тимўтий 5:23 – Лекин сув ичиш билан чекланиб қолмай, озгинадан шароб ҳам ичиб тур. Бу ошқозонингга яхши таъсир қилиб, тез-тез юз бераётган касалликларингнинг олдини олади.

Бақара 2:219 – Сендан хамр ва қимор ҳақида сўрарлар. Сен: «Иккисида катта гуноҳ... бор..», деб айт.

Моида 5:90-91 – 90. Эй иймон келтирганлар! Албатта, хамр, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ифлосдир. Шайтоннинг ишидир. Бас, ундан четда бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз. 91. ...Энди тўхтарсизлар?!

135.

Мўминнинг чўчка гўштини ейиши таъқиқланганми?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Қуръон

Ҳаворийлар 10:13-15 - 13. ...Ўрнингдан тур, Бутрус, сўйиб егин... 14. Аммо Бутрус деди: – Асло ундай қилмайман, Эгам! Мен ҳеч қачон ҳаром ёки нопок нарсаларни емаганман! 15. Ўша овоз яна Бутруста: “Худо ҳалол деб айтган нарсаларни сен ҳаром демагин”, дея гапирди.

1 Коринфликлар 10:25 - Бозордаги гўшт қаердан келгани ҳақида сўраб-суриштирмай, пок виждон билан еяверинглар.

Колосаликлар 2:16 - Шунинг учун егулик-ичгулик... хусусида ҳеч ким сизларга қонун-қоида чиқармасин.

Моида 5:3 - Сизларга ўлимтик, қон, чўчка гўшти... ҳаром қилинди.

Анъом 6:145 - Магар ўлимтик ёки оқизилган қон ёки тўнғиз гўшти бўлса, албатта, у ифлос, ҳаромдир...

136.

Худо бутунги кунда иймонлиларнинг рўза тутишни кутадиими?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Ҳа** Қуръон

Йўэл 2:12 - Эгамизнинг каломи шудир: “Ҳозир ҳам кеч эмас, Рўза тутиб, йиғлаб, қайғуриб, Бутун қалбингиз билан Менга қайтинглар.

Матто 6:17 - Сизлар рўза тутганларингизда юзларингизни ювиб, сочларингизни тараб юринг...

Марк 2:20 - Бироқ улар куёвдан жудо бўладиган кунлар келади, ана ўшанда рўза тутадилар.

1 Коринфликлар 7:5 - ...ўзингизни ибодатга бағишлаш учунгина жинсий алоқадан ўзингизни тутиб туринг. Бундан сўнг яна қовушинглар...

Бақара 2:183 & 185 - 183. Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди... 185. Рамазон ойики, унда... Қуръон туширилгандир. Сиздан ким у ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин.

Аҳзоб 33:35 - Албатта, ...рўза тутгучи эркаклар ва рўза тутгучи аёллар, ...Аллоҳни кўп зикр қилгучи эркаклар... – ўшаларга Аллоҳ мағфиратни ва улуғ ажрни тайёрлаб қўйгандир.

137.

Худо ибодатни ва рўзани бошқалар томонидан кўриш мумкин бўлган жойда очикдан-очик қилинишини афзал кўрадимиз?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Матто 6:5-8 - 6. Сиз эса ибодат қилаётганингизда ичкари хонага кириб, эшикни беркитиб олинг ва яширин бўлган Отангизга ибодат қилинг. Яширин қилган ишларингизни кўрган Отангиз сизни тақдирлайди.

Матто 6:16-18 - 16. Рўза тутаётганингизда... 18. ...рўза тутганингизни яширин бўлган Отангиздан бошқа ҳеч ким билмасин. Шунда яширин қилган ишингизни кўрган Отангиз сизни тақдирлайди.

Нисо 4:103 - Намозни адо этганингиздан сўнг Аллоҳни турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда эсланг.

Жума 62:9 - Эй иймон келтирганлар! Жума куни намозга нидо қилинганда, Аллоҳнинг зикрига шошилинг ва савдони кўйинг. Агар билсангиз, бу ўзингиз учун яхшидир.

138.

Худо одамларнинг ҳар йилнинг бир оyi давомида кундузги вақтда рўза тутишларини ва кечаси зиёфат қилишларини хоҳлайдими? (Рамазон)

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Ишә 58:3-7 - 6. ...Адолатсизлик кишанларини парчаланг, бўйинтуруқ арқонларини узиб ташланг, Мазлумларни озодликка чиқаринг, Ҳар қандай бўйинтуруқни синдиринг!

Матто 6:16-18 - 16. Рўза тутаётганингизда... 18. ...рўза тутганингизни яширин бўлган Отангиздан бошқа ҳеч ким билмасин.

Бақара 2:183-185 - 183. Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди... 185. Рамазон ойики... Сиздан ким у ойда ҳозир бўлса, рўзасини тутсин. Ким бемор ёки сафарда бўлса, бас, саноғини бошқа кунлардан тутати. Аллоҳ сизларга енгилликни хоҳлайди ва сизларга қийинчиликни хоҳламайди. Саноғини мукаммал қилишингиз ва... Аллоҳни улуғлашингиз учун.

139.

Худо иймонлилардан ушр ва садақа беришни кутадими? (Закот)

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Малаки 3:8 – Инсон Худодан нарса ўғирлашга журъат қиладими?! Аммо Сизлар Менинг нарсамни

ўғирлаяпсизлар! Яна: “Нимангни ўғирлабмиз?” деб сўрайсизлар. Ушр ва эҳсонларимни ўғирладингиз!

Матто 6:3 – Сиз эса хайр-садақа бераётганингизда, ўнг кўлингиз нима қиляётганини чап кўлингиз билмасин.

Матто 19:21 – ...мол-мулкингизни сотиб, пулини камбағалларга тарқатинг. Шунда самода хазинангиз бўлади. Кейин келиб, Менга эргашинг.

Луқо 11:41 – Яхшиси, идишингиз ичидагини камбағалларга хайр-садақа қилиб беринглар.

Бақара 2:177 – ...намозни қоим қилса, закот берса...

Тавба 9:103-104 – 103. Уларнинг молларидан садақа ол. 104. ...Аллоҳ... садақаларни олишини...

Мўминун 23:1 & 4 – 1. Батаҳқиқ, мўминлар нажот топдилар. 4. Улар закотни адо қилгувчилардир.

140.

Худо ибодат аҳлининг ҳар куни бир хил вақтда беш марта қайта-қайта ибодат қилишларини эшитишни истайдими? (Намоз)

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Матто 6:7 – Ибодат қиляётганингизда, бутпарастлар каби, беҳуда сўзларни ҳадеб такрорлайверманг. Улар, кўп сўзласам, ибодатим ижобат бўлади, деб ўйлайдилар.

Юҳанно 4:24 – Худо Руҳдир, Унга сажда қилувчилар ҳам Муқаддас Руҳ бошчилигида, ҳақиқатни билган ҳолда сажда қилишлари лозим.

Бақара 2:45 – Сабр ва намоз ила ёрдам сўранг.

Ҳуд 11:114 – Кундузнинг икки тарафидан ва кечанинг бир бўлагида намозни тўқис адо қил!

Исро 17:78 – Қуёш оғишидан то кун қоронғусигача намозни тўқис адо қил. «Фахр Қуръони» ни ҳам. Албатта, «фахр Қуръони» гувоҳлантирилгандир.

141.

Худо иймонлилардан муқаддас жойга умри давомида камида бир марта ҳаж қилишларини кутадиими? (Ҳаж)

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Матто 24:24-26 - 26. ...агар улар сизларга: «Қаранглар! У саҳрода!» деб айтсалар, борманглар.

Юҳанно 4:19-24 - 21. Исо унга деди: – Эй аёл, Менга ишонгин, шундай вақт келадики, ўшанда осмондаги Отага на бу тоғда, на Қуддусда сажда қиласизлар. 24. Худо Рухдир, Унга сажда қилувчилар ҳам Муқаддас Рух бошчилигида, ...сажда қилишлари лозим.

Бақара 2:196 - Аллоҳ учун ҳаж ва умрани тугал адо этинг.

Оли Имрон 3:97 - Одамлардан йўлини топганларига Аллоҳ учун байтни ҳаж қилмоқ бурчдир.

142.

Худо бугунги кунда ҳам, одамлардан ҳар йили бир марта қурбонлик қилишни истайдими? (Қурбон)

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Ибронийлар 9:11-12 & 25-28 - 11. Энди эса Масих... 12. ...бу хонага... Ўз қони эвазига кирди. У ерга бир марта кириб, бизни то абад гуноҳлардан озод қилди. 25. Масих эса Ўзини қайта-қайта қурбонлик қилмади. 26. ...У мана шу охириги замонда одамларнинг гуноҳларини ювиш учун бир мартагина оламга келиб, Ўзини қурбон қилди. 28. Шу сингари, Масих ҳам кўпларнинг гуноҳларини Ўз бўйнига олиш учун бир марта қурбон бўлиб, ўлди.

Бақара 2:196 - Сиздан ким бемор бўлса ёки бошида озор берувчи нарса бўлса, рўза тутиш ёки садақа бериш ёхуд қурбонлик сўйиш ила тўлов тўласин.

Ҳаж 22:28 ва 34 - 28. ...уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларини (сўйишда) Аллоҳнинг исмини зикр қилсинлар. Бас, улардан енглар ва бечора ва фақирларга ҳам егизинглар. 34. Ҳар бир умматга... қурбонлик қилишни жорий этганмиз.

143.

Агар бирор мусулмонда Инжилдаги бирор нарса ҳақида савол тузилса, у бу ҳақда христиан ёки яҳудийдан сўраши тўғри бўладими?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Қуръон

1 Бутрус 3:15 - Қўрқувга тобе бўлманглар, балки бутун қалбингиз билан Раббимиз Исо Масихнинг ҳоқимиятига бўйсунинглар. Масихга бўлган умидингиз ҳақида сиздан сўраган ҳар бир кишига жавоб беришга доимо тайёр туринглар.

Юнус 10:94 - Агар сенга нозил қилган нарсамиздан шакда бўлсанг, сендан олдин китобни ўқиганлардан сўра. Батаҳқиқ, сенга Роббингдан ҳақ келди. Бас, ҳеч шубҳа қилгувчилардан бўлма.

Наҳл 16:43 - Биз сендан олдин ҳам фақат эр кишиларни юбориб, уларга ваҳий қилганмиз. Агар билмайдиган бўлсангиз, зикр аҳлларида сўрангиз.

144.

Агар одамда Муқаддас Китоблардан биридаги бирор нарсага иккиланиш бўлса, мўмин жавобларни ёқтирмаса ҳам, ростгўй саволлар беришдан қочмаслиги керакми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Қуръон

Ҳаворийлар 17:11 - Бу ердаги яҳудийлар Салоникадаги яҳудийларга қараганда кенг фикрли эдилар. Улар зўр иштиёқ билан Исо ҳақидаги хабарни тинглашар, Павлуснинг айтганлари ҳақиқат эканини кўриш учун Муқаддас битикларни ҳар куни тадқиқ этишарди.

1 Юҳанно 4:1 - Эй азизларим, менда Худонинг Руҳи бор деган ҳар қандай одамга ишониб кетаверманглар. Ҳар бир одамни синанглар, у Худодан ёки Худодан эмаслигини билинглар, чунки дунёда сохта пайғамбарлар кўпайиб кетган.

Бақара 2:108 - Булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни сенга ҳақ ила тиловат қилмоқдамиз. Аллоҳ одамларга зулмни хоҳламас.

Моид 5:101-102 - 101. Эй иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар зоҳир бўлса, сизга ёмон бўлади. Агар Қуръон нозил қилиниб турган чоғда сўрасангиз, сизга зоҳир бўлади. 102. Сиздан олдин ҳар бир қавм уларни сўраган, сўнгра эса, уларга кофир бўлган эди.

145.

Илоҳий Ваҳиддан ташқари, инсонларнинг анъанавий маталлари ва талқинлари Муқаддас Китобларни тўғри тушуниш учун, ишончли ва зарур деб ҳисобланганми? (Ҳадис)

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Римликлар 3:4 – Йўқ, асло! Ахир, ҳар бир инсон ёлғончи бўлса ҳам, Худо ҳақдир. Муқаддас битикларда Худо ҳақида шундай ёзилган-ку: “Шу боис ҳукм қилганингда Сен барҳақсан, Айбимни фош этганингда доимо тўғри бўлиб чиқасан.”

Тур 52:33-34 – 33. Балки, у (Куръон)ни ўзи тўқиди, дерлар? ... 34. Агар уларнинг гапи рост бўлса, у (Куръон)га ўхшаш сўзни келтирсинлар.

Изоҳ: Исломда энг ишончли ва тез-тез ишлатиладиган Ҳадис тўпловчилари орасига Ибн Ишоқ (768); Абу Довуд (775); Ибн Ҳишом (833); Муҳаммад ал-Бухорий (870); Саҳиҳ Муслим (875); Ибн Маджа (886); ат-Термизий (892); Абу Жаъфар Табари (923) киради. Бу кишиларнинг ҳеч бири, Ҳазрат Муҳаммад яшаган даврда (570-632), ҳаттоки шу даврга яқин ҳам яшамаган. 16 йил давомида Бухорий тўплаган 600000 ҳадисдан, фақатгина 7397 нафарини ҳақиқий (саҳиҳ) деб сақлаган. У диндор мусулмонлардан тўплаганларининг 99 фоизидан ортиқроғини бўртирилган ёки ёлғон деб ташлаб юборган.

146.

Худо иймонлиларнинг биргаликда фаол ибодат қилишларини ва бугунги кунда уни тарғиб қилишларини кутадами?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Матто 28:19 – Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан сувга чўндиринглар.

2 Коринфликлар 5:20 – ..биз Масиҳнинг элчиларимиз, Худо биз орқали инсонларга мурожаат этипти.

1 Бутрус 3:15 – Масиҳга бўлган умидингиз ҳақида сиздан сўраган ҳар бир кишига жавоб беришга доимо тайёр туринглар.

Тавба 9:33 – У... Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан ҳамма диндан устун қилиш учун юборган зотдир.

Наҳл 16:125* – Роббингнинг йўлига ҳикмат ва яхши мавъиза ила даъват қил.

147.

Худо иймонлиларнинг турли мазҳабларга, эътиқод ва гуруҳларга бўлинишини истайдими?

Муқаддас Китоб Йўқ / Йўқ Куръон

1 Коринфликлар 1:10 - Эй биродарларим, Раббимиз Исо Масиҳ номи билан сизларга илтижо қиламан: ҳаммангиз ўзаро ахил яшанглар. Орангизда низоларга йўл қўймай, фикр-хаёлда тамомила яқдил бўлинглар.

1 Коринфликлар 3:3-4 - 3. Орангизда ҳасадгўйлик ва жанжалкашлик бор экан, бу сизларнинг ҳали ҳам башарий табиатингиз таъсирида эканингизни, инсоний фикрлаб яшаётганингизни кўрсатмайдими?! 4. ...Мен Павлуснинг шогирдиман”, бошқаларингиз эса: “Мен Аполлоснинг шогирдиман”, десангиз, сизлар инсоний фикрлаб яшаётган бўлмайсизми?

Оли Имрон 3:103 - Барчангиз Аллоҳнинг ипини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг.

Анъом 6:159 - Динларини тафриқа қилиб, ўзлари гуруҳбозлик қилганлар билан ҳеч бир алоқанг йўқ. Албатта, уларнинг иши Аллоҳнинг Ўзига ҳавола. Сўнгра қилган ишларининг хабарини берур.

148.

Муқаддас Китобларда одамларни бу дунёдаги ҳаётда қувончли ва бахтли бўлишларига даъват этадиган оятлар борми?

Муқаддас Китоб Ҳа / Йўқ Куръон

Забур 5:11 - Сенда паноҳ топганларнинг ҳаммаси севинсин, то абад шодликдан улар куйласин. ...Сени севганлар севинч ила жўшсин.

Римликлар 14:17 - Худонинг Шоҳлиги овқат ва ичимликдан эмас, балки Муқаддас Рух ато қиладиган солиҳлик, тинчлик ва қувончдан иборат.

Филиппиликлар 4:4 - Ҳар доим Раббимиз Исо туфайли шодланинг! Яна бир бор айтаман, шодланинг!

Зухруф 43:70 - Жаннатга киринглар, сизлар ва жуфтларингиз шод бўлурсизлар.

Инсон 76:11 - Бас, уларни Роббилари ўшал кун шарридан сақлади ва уларга хушрўйлик ҳамда хурсандчилик ато қилди.

Изоҳ: Қуръонда қувончли бўлиш ҳақида келтирилган ягона оят охиратдаги ҳаётга ишора қилади.

149.

Муқаддас Китобларда Худо одамларга жисмоний шифо берган мисоллар борми?

Муқаддас Китоб Ха / Йўқ Куръон

Чиқиш 15:26 – Сизларга шифо берадиган Этангиз Менман.

Матто 4:23 – Исо бутун Жалила ҳудудини кезиб юрарди. У синагогаларда таълим бериб, Осмон Шоҳлиги тўғрисидаги Хушxabарни эълон қиларди, одамларнинг ҳар хил хасталиклари ва дардларига шифо берар эди.

Ҳаворийлар 5:15-16 – 15. ...хасталарни кўчаларга олиб чиқишарди. Уларни чорпояларга, тўшакларга ётқизиб қўйишарди. 16. Хасталарнинг ҳаммаси шифо топди.

1 Коринфликлар 12:28 & 30 – 28. ...шифо бериш инъомини.. 30. Ҳаммада шифо бериш инъоми борми?!

Изоҳ: Биргина Янги Аҳдда Исонинг 26 нафар ёзиб қолдирилган шифолари мавжуд, аммо Қуръонда Муҳаммаднинг умри давомида Худо томонидан одамларга бирон бир жисмоний шифо берилгани тўғрисида мисоллар йўқ.

150.

Худо имонлиларнинг ибодатида мусиқа, рақс ва куй ишлатишга даъват этадиган оятлар борми?

Муқаддас Китоб Ха / Йўқ Куръон

Қонунлар 31:19 – ...қўшиқ сўзларини ёзиб ол. Уни бутун Исроил халқига ўргат. Бу қўшиқ доимо уларнинг оғзида бўлсин, Исроил халқига қарши Менинг гувоҳим бўлсин.

Забур 100:1-2 – 1. ...Сени, эй Эгам, тараннум этаман. 2. ...Пок юрак ила ўз уйимда умр кечираман.

Эфесликлар 5:18-19 – 18. ...Муқаддас Рухга тўлиб-тошинглар. 19. Бирга йиғилганингизда санолар, рухий мадҳиялару қўшиқлар куйланглар. Мусиқа асбобларини хонишларингиз билан чин юракдан Раббимизга ҳамдлар айтинглар.

Колосаликлар 3:16 – ...Забурларни хониш қилиб, мадҳиялар ва рухий қўшиқлар билан, чин кўнгилдан миннатдорчилик билдириб, Худони тараннум этинглар.

Изоҳ: Инжилда мусиқа, рақс ва қўшиқ куйлашни даъват этадиган 450 дан ортиқ оятлар бор, аммо Қуръонда бунга ўхшаш ҳеч нарса йўқ.

151.

Худонинг аниқ мақсадига кўра, эркак кишининг бир вақтнинг ўзида бирдан ортиқ хотини бўлиши тўғрими?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Қонунлар 17:17 - Тайинланган шоҳ хотинларни кўпайтирмасин, акс ҳолда, Эгамиздан юраги совийди.

1 Коринфликлар 7:2 - ...ҳар бир киши ўз хотини билан, ҳар бир аёл эса ўз эри билан қовушиши керак.

Нисо 4:3 & 24 - 3. Агар етимларга адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, ўзингизга ёққан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами никоҳлаб олинг. 24. Қўлингизга мулк бўлиб тушганлардан бошқа эрли аёллар ҳам (ҳаром қилинди).

Аҳзоб 33:21, 32-33, 38 & 50 - 21. ...Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулуллоҳда гўзал ўрнак бор эди. 32. Эй Набийнинг аёллари! 38. Набийга Аллоҳ унга фарз қилган нарсада бирон танглик бўлмас... 50. ...мўмина аёл ўз нафсини Набийга ҳадя этса, Набий уни никоҳлаб олишни ирода қилса, сен учун махсус ҳалол қилдик. Мўминларга эмас.

152.

Бир вақтнинг ўзида эрнинг биттадан ортиқ хотини бўлса, у хотинлари ўртасида адолатли бўла оладими?

қаддас Китоб Йўқ / Йўқ Куръон

Қонунлар 21:15 - Агар бирортасининг иккита хотини бўлсаю, бирини яхши кўриб, иккинчисини яхши кўрмаса...

Наҳимийё 13:26-27 - 26. ...Ҳатто Исроил шоҳи Сулаймон бундай аёлларга уйланиб, гуноҳ қилган эди! 27. Шунга қарамай, бутпараст аёллар уни гуноҳга бошладилар...

Нисо 4:3 - Агар етимларга адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, ўзингизга ёққан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами никоҳлаб олинг. Агар адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, биттани (олинг) ёки қўлингизда мулк бўлганлар билан (кифояланинг). Мана шу жабр қилмаслигингизга яқинроқдир.

Нисо 4:129* - Агар роса ҳаракат қилсангиз ҳам, хотинлар ўртасида адолатли бўла олмайсизлар.

153.

Вақтинчалик ёки маълум вақт давом этадиган никоҳга ижозат берилганми? (Мутъаҳ / Истак қонуни)

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Малаки 2:16 - ... «Шу боис ҳушёр бўлинглар, хиёнат қилманглар», - дейди Сарвари Олам.

1 Коринфликлар 7:10-13 - 10. Қўйидаги амр эса уйланган ва эрга текканларга берилган. У мендан эмас, Раббимиз Исодандир: хотин эри билан ажрашмасин. 11. ...Эр ҳам ўз хотини билан ажрашмасин. 12. ...ўша аёл эридан ажрашмасин.

Нисо 4:24 - 24. ...Ана ўшалардан бошқаларни поклик ва зино аралаштирмаган ҳолда молларингиз ила талаб қилмоғингиз ҳалол қилинди. Улардан ҳузурланишингиз сабабидан маҳрларини беринг... Фарз маҳрдан кейин ўзаро розилик ила келишганингиз гуноҳ эмас.

Моида 5:87 - Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ сизга ҳалол қилган пок нарсаларни ҳаром қилмангиз.

154.

Муқаддас Китобларда хотинлар жинсий объект, ёки эрларнинг мулклари деб кўрсатилганми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

1 Бутрус 3:7 - Эй эрлар... хотинларингизга эътиборли бўлинглар, улар заиф жинсдан эканлигини ҳисобга олинглар. Улар ҳам абадий ҳаёт иноятидан баҳраманд бўлганлари учун уларни ҳурмат қилинглар. Акс ҳолда, ибодатларингиз ижобат бўлмайди.

Эфесликлар 5:25 - Эй эрлар, Масиҳ жамоатни яхши кўриб, ўзини жамоат учун фидо қилганидай, сизлар ҳам хотинларингизни шундай яхши кўринглар.

Бақара 2:223 - Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаганингизча келинг.

Оли Имрон 3:14 - Одамларга аёллардан, болалардан, тўп-тўп тилло ва кумушдан, гўзал отлардан, чорвадан, экин-текиндан иборат шахватларнинг муҳабати зийнатланди.

155.

Эркак кишига кул қизларни сотиб олиш ёки уларга эгалик қилиш ва улар билан жинсий алоқада бўлишга ижозат берилганими?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

1 Коринфликлар 7:23 – Сизлар қиммат баҳога сотиб олиндингиз, шунинг учун ўзингизни инсоний ғояларга кул қилманглар.

1 Салоникаликлар 4:3-7 – 3. Сизларнинг муқаддас бўлишингиз Худонинг иродасидир. Шунинг учун жинсий ахлоқсизлик қилманг. 4. Ҳар бирингиз... иззат-ҳурматга лойиқ тарзда ўзингизни тута билишингиз керак. 5. Худони билмаган бутпарастлардай шахвоний ҳирсга кул бўлманг.

Нисо 4:24 – Қўлингизга мулк бўлиб тушганлардан бошқа эрли аёллар ҳам (ҳаром қилинди).

Мўминун 23:5-6 – 5. Улар фаржларини сақловчилардир. 6. Магар ўз жуфти ҳалоллари ва қўлларида мулк бўлганлардан (сақламасалар), албатта, улар маломат қилинувчи эмаслардир.

Маъориж 70:22 & 29-30 – 22. Магара намоз ўқувчиларгина мустаснодир. 29. Ва улар ўз фаржларини сақлайдиганлардир. 30. Магарам ўз хотинлари ёки ўз мулки бўлганлар мустаснодир. Албатта улар бунга маломат қилинмайди.

156.

Аёллар уйдан ташқарида ёпинчиқда юришлари талаб этилади

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

1 Коринфликлар 11:15 – ...аёл кишининг сочи узун бўлса, бу аёл киши учун шараф эмасми?! Ахир, узун соч бошига рўмол ўраш кераклигини кўрсатади.

Галатияликлар 5:1 – Бизга эркинлик бериш учун Масих бизни озод қилди. Энди шу эркинликни маҳкам тутинглар, қайтадан қуллик бўйинтуруғини тақманглар.

Колосаликлар 2:20 – ...нимага бу дунёга кул бўлиб, ..."тегма", "ема", "ушлама" деган қонун-қоидаларга бўйсунасизлар?!

Нур 24:30-31 – 31. Сен мўминаларга айт:...Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар. Зийнатларини кўрсатмасинлар, магар эрларига... (бўлса майли).

Аҳзоб 33:59 – Эй Набий, жуфтларингга, кизларингга ва мўминларнинг аёлларига айт: жилбобларини ўзларига яқин қилсинлар. Ана ўша уларнинг танилмоқлари ва озорга учрамасликлари учун яқинроқдир.

157.

Аёллар ҳуқуқлари эркакларники билан тенгми?

Муқаддас Китоб **Ҳа / Йўқ** Куръон

Қонунлар 16:19 - Ҳукм қилаётганда адолатсизлик қилмасин...

2 Солномалар 19:7 - ...Эгамиз Худо ноҳақликка, тарафкашлигу порага тоқат қилмайди.

Римликлар 2:11 - Зеро, Худо тарафкашлик қилмайди.

Галатияликлар 2:6 - ...Худо инсонлар орасида тарафкашлик қилмайди.

Ёқуб 2:9 - Бироқ юз-хотирчилик қилаётган бўлсангиз, гуноҳ қиляпсиз ва қонунбузар сифатида ҳукм қилинасиз.

Бақара 2:228 ва 282 - 228. Ва яхшилик ила уларнинг бурчлари муқобилида ҳақлари ҳам бордир. Ва эркакларга улардан устун даража бордир. 282.

Эркакларингиздан икки кишини гувоҳ қилинг. Агар икки эр киши бўлмаса, ўзингиз рози бўладиган гувоҳлардан бир эр киши ва икки аёл киши бўлсин...

Нисо 4:3, 11 & 176 - 3. ...ўзингизга ёққан аёллардан иккитами, учтами, тўрттами никоҳлаб олинг. 11. Аллоҳ...бир ўғилга икки қиз насибасича беришни амр этади.

158.

Эркак кишига хотинини калтаклаш рухсат этилганми?

Муқаддас Китоб **Йўқ / Ҳа** Куръон

Эфесликлар 5:25-29 - 25. Эй эрлар... хотинларингизни шундай яхши кўринглар. 28. Эрлар ҳам ўз хотинларини

ўз таналарини севгандай севишлари керак. Ўз хотинини севган эркак ўзини севган бўлади. 29. Ҳеч ким ҳеч қачон ўз танасини ёмон кўрмайди. Аксинча, уни озиклантириб, парвариш қилади. Масиҳ ҳам Ўз жамоатини шундай озиклантириб, парвариш қилади.

Колосаликлар 3:19 - Эй эрлар, хотинингизни севинглар, уларга қўпол муомалада бўлманглар.

1 Бутрус 3:7 - Эй эрлар... хотинларингизга эътиборли бўлинглар, улар заиф жинсдан эканлигини ҳисобга олинглар. Улар ҳам абадий ҳаёт иноятидан баҳраманд бўлганлари учун уларни ҳурмат қилинглар.

Нисо 4:34 - ...Бош кўтаришларидан хавф қилинган аёлларга ваъз-насиҳат қилинг, ётоқларида ҳижрон қилинг ва уринг. Агар итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманг. Албатта, Аллоҳ юксак мақомли буюк зотдир.

159.

Христиан ёки мусулмонга бошқа дин кишилари билан турмуш қуриш рухсат этилганми?

Муқаддас Китоб **Йўқ** / **Ҳа** Қуръон

Қонунлар 7:3 – Улар билан қуда-андачилик қилманглар...

1 Коринфликлар 7:28 & 39 – 28. ...қиз эрга тегса ҳам, гуноҳ бўлмайди... 39. ...у истаган кишига турмушга чиқиши мумкин, фақат у эркак Раббимиз Исога тегишли бўлиши керак.

2 Коринфликлар 6:14 & 17 – 14. Имонсизлар билан шерик бўлманглар. Солиҳлик билан қабиҳликнинг орасида қандай алоқа бор?! Нур билан зулмат орасида қандай умумийлик бўлиши мумкин?! 17. Бинобарин, Эгамиз шундай деган: "Халқлар орасидан чиқинглар, Улардан ажралиб чиқинглар...".

Моида 5:5 – Бугунги кунда сизларга пок нарсалар ҳалол қилинди... Афийфа мўминалар ва сиздан олдин китоб берилганлардан бўлган афийфалар ҳам, агар ифбатли бўлган ҳолингизда, зинокор бўлмай ва ўйнаш тутмай махрларини берсангиз, сизга ҳалолдир.

160.

Агар киши ўз турмуш ўртоғидан бевафолик айбидан ташқари бошқа бирор сабаб билан ажрашса, унга қайта турмуш қуриш рухсат этилганми?

Муқаддас Китоб **Йўқ** / **Ҳа** Қуръон

Матто 5:32 – ...ким бевафолик айбидан бошқа сабаб туфайли ўз хотини билан ажрашса, унга зино қилишга сабаб топиб беради. Шунингдек, ким ажрашган хотинга уйланса, зино қилган бўлади.

Матто 19:9 – Мен сизларга шуни айтайин: ким бефаволикдан бошқа сабаб туфайли ўз хотини билан ажрашиб, бошқасига уйланса, зино қилган бўлади.

Бақара 2:231 – Хотинларни талоқ қилишингизда... уларни... яхшилиқ билан қўйворинг.

Таҳрим 66:5 – У сизларни талоқ қилса, шоядки, Роббиси сиздан яхшироқ, ...жувон ва қизларни ўрнингизга хотин қилиб берса.

161.

Христианнинг мақсади Исо Масиҳ каби иш тутиш ва мусулмоннинг мақсади Ҳазрати Муҳаммад каби ҳаракат қилиши?

Муқаддас Китоб Ҳа / Ҳа Куръон

Матто 10:24-25 – 25. Шогирд устозидай... бўлса кифоя.

Луқо 6:40 – Шогирд устозидан устун бўлмас. Аммо мукаммал билим эгаллаган шогирд устозидай бўлар.

Юҳанно 14:15 & 23-24 – 15. ...Агар Мени севсангизлар, амрларимга амал қиласизлар. 23. Исо...: "Ким Мени севса, Менинг сўзимга амал қилади. Отам ҳам уни севади..." 24. Мени яхши кўрмаган киши сўзларимга амал қилмайди...

Оли Имрон 3:31 – Сен: «Агар Аллоҳга муҳаббат қилсангиз, бас, менга эргашинг. Аллоҳ сизга муҳаббат қилади ва сизларни гуноҳларингизни мағфират қилади», деб айт.

Нисо 4:80 – Ким Пайғамбарга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлади.

Аҳзоб 33:21 – ...Аллоҳни кўп зикр қилганлар учун Расулulloҳда гўзал ўрнак бор эди.

Зухруф 43:63 – Ийсо...: Аллоҳга тақво ва менга итоат қилинглар.

Душманлар ва Уруш

162.

Муқаддас Китобларда маълум бир дин, бошқа барча динлардан куч билан устунлик қилиш мақсадига эга бўлиши кераклиги ҳақида муҳим мавзу борми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Луқо 17:20-21 – 20. ...Худонинг Шоҳлиги кўзга кўринадиган шаклда келмайди. 21. Ҳеч ким: "Қара, Худонинг Шоҳлиги бу ерда", ёки "Ана у ерда", деб айтмайди. Худонинг Шоҳлиги сизларнинг орангиздир.

Римликлар 14:17 & 22 – 17. Худонинг Шоҳлиги овқат ва ичимликдан эмас, балки Муқаддас Руҳ ато қиладиган солиҳлик, тинчлик ва қувончдан иборат. 22. Бу масаладаги фикрингизни Худонинг Ўзи ҳукм қилсин. Тутган йўлини ҳукм қилмаган одам бахтиёрдир.

Тавба 9:33 – У... Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан ҳамма диндан устун қилиш учун юборган зотдир.

Саф 61:8-9 – 8. ...Аллоҳ, кофирлар ёқтирмаса ҳам, Ўз нурини тугал этгувчидир. 9. У зот, Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан барча динлардан устун қилиш учун юборган...

163.

Диний ишларда куч ишлатиш ва мажбурлашни қўллаш керакми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Йўқ Қуръон

2 Тимўтий 2:24-25 - 24. ...Исонинг қули эса жанжалкаш бўлмаслиги керак. Аксинча, у ҳаммага меҳрибон, таълим беришга қобилиятли, сабр-тоқатли бўлиши лозим. 25....рақибларини мулозимлик билан йўлга солсин
Филимўн 14 - Аммо сенинг розилигингсиз ҳеч бир иш қилишни хоҳламадим, чунки сенинг илтифотингни мажбурий эмас, балки ихтиёрий бўлишини истадим.

Бақара 2:256 - Динга мажбур қилиш йўқ.

Оли Имрон 3:20 - Агар Исломга кирсалар... ҳидоят топдилар. Агар юз ўғирсалар, сенинг зиммангда етказиш, холос.

Қоф 50:45 - Сен уларнинг устидаги жаббор эмассан. ...Қуръон ила азоб ваъдамдан қўрққанларни огоҳлантир.

164.

Аллоҳ бугунги кунда имонлиларни ўз эътиқодлари ғалаба қилгунга қадар бошқа эътиқод кишиларига қарши урушишга ва жанг қилишга даъват этадими? (Муқаддас Уруш / Жиход)

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Қуръон

Римликлар 12:17-19 - 17. Ҳеч кимга ёмонлик эвазига ёмонлик қайтарманглар... 18. Агар иложи бўлса, қўлингиздан келганича, барча одамлар билан тинч-тотув ҳаёт кечиринглар. 19. Азизларим, ўзингиз учун ўзингиз қасос олманг, балки Худонинг ғазабига йўл қўйиб беринг. Эгамиз шундай деб айтган-ку: "Мен ўзим қасос ва ўч оламан."
Ибронийлар 12:14 - Ҳамма билан тинч-тотув яшашга ҳаракат қилинглар. Ҳалол ҳаёт кечиринглар, тиришинглар, акс ҳолда, Эгамизни кўра олмайсизлар.

Бақара 2:190-193 - 190. ...Аллоҳнинг йўлида уруш қилинг. 191. Уларни топган ерингизда қатл қилинг... Фитна қатл этишдан ёмонроқдир... 193. ...дин Аллоҳга бўлиши учун улар билан жанг қилинг.

Тавба 9:29 - Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмайдиганларга... ва ҳақ динга юрмайдиган китоб берилганларга қарши... жанг қилинг.

Изоҳ: Жиход Қуръоннинг энг катта мавзусидир: 6236 оятнинг 139 таси, яъни ҳар 45 оятнинг бири. Ҳадиснинг 21 фоизи Жиход ҳақида: «The Sirah» (Муҳаммаднинг таржимаи ҳоли) 67 фоиз Жиход ҳақида. Қуръоннинг 64 фоизи "Кофир"га қарши зулмқордир.

165.

Агар бирор киши ўз динидан юз ўтирса ёки динини ўзгартиришга қарор қилса, у ўлдирилиши керакми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Ибронийлар 3:12-13 - 12. Ёмон ниятга қалбингиздан ўрин берманглар, Худога бўлган ишончингизни йўқотманглар. Акс ҳолда, бу иллатлар сизларни барҳаёт Худодан қайтаради. 13. Ҳар кунни Муқаддас битиклардаги "бугун" деб билиб, бир-бирингизга насиҳат қилинглар. Тағин бирортангиз гуноҳга алданиб, юрагингизни тош қилманглар.

Нисо 4:89 - Агар юз ўтириб кетсалар, бас, уларни тутинглар ва қаерда топсангиз, ўлдилинглар. Улардан дўст ҳам, ёрдамчи ҳам тутманг.

Изоҳ: Муҳаммад алайҳиссаломнинг муртадлар ҳақидаги сўзи ҳадиси шарифларда қуйидагича келтирилган: Аллоҳнинг элчиси, "Кимки ислом динини ўзгартирса, уни ўлдилинг." (Саҳиҳ Вухорий: 9-бўлим, 84-китоб, 57-58-сон ва 4-бўлим, 56-китоб, 808-сон билан солиштиринг)

166.

Баъзида оила, дўстлар ва ҳатто қариндош-уруғларга қарши урушиш белгиланганми?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

1 Коринфликлар 7:13-24 - 13. Шунингдек, имонли аёлнинг эри имонсиз бўлса ва у хотини билан яшашга рози бўлса, ўша аёл эридан ажрашмасин. 14. Ахир, имонсиз эр имонли хотини туфайли покланади. Шунингдек, имонсиз аёл имонли эри туфайли покланади. 16. ...Қаердан биласан эй хотин, балки сен орқали эринг нажот топар?! Эй эр, қаердан биласан, балки сен орқали хотининг нажот топар?!

Мужодала 58:22 - Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган қавмнинг Аллоҳга ва Унинг Расулига душманлик қилувчиларга дўстлик қилганларини топмайсан. Ҳатто у (душман)лар ўз оталари, болалари, ака-укалари ёки қариндошлари бўлса ҳам.

Тағобун 64:14 - Эй иймон келтирганлар! Албатта, жуфтларингиздан ва болаларингиздан сизга душман бор, бас, улардан ҳазир бўлинг.

167.

Худо бугунги кунда имонлилардан ўз виждонларига қарши бўлса ҳам, бошқа дин эътиқодчиларини ўлдиришни истайдими?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Ҳаворийлар 24:16 – Айни шу сабабдан Худо ва халқ олдида мен доим виждонимни соф сақлашга тиришаман.

1 Тимўтий 1:5 – Мен бу насиҳатим билан сизларда меҳр–муҳаббат уйғотмоқчиман. Меҳр–муҳаббат соф юракдан, тоза виждондан, холис имондан ҳосил бўлади

Бақара 2:216 – Сизга ёқмаса ҳам, жанг қилишингиз фарз қилинди. Шоядки ёқтирмаган нарсангиз сиз учун яхши бўлса. Ва шоядки ёқтирган нарсангиз сиз учун ёмон бўлса.

Анфол 8:17 – Уларни сиз ўлдирмадингиз, балки Аллоҳ ўлдирди. Отган пайитингда, сен отмадинг, ..Аллоҳ отди. Ва мўминларни гўзал синов ила синаш учун (шундай қилди).

Изоҳ: Ҳадис, Саҳиҳ Муслим, 4661-4662, 789-бўлим.

168.

Бошқа дин эътиқодчиларига қарши курашиш, асосан яхши бўлган иш деб ҳисобланадими?

Муқаддас Китоб Йўқ / Ҳа Куръон

Галатияликлар 5:19-21 – 19. Худбин истакларга эрк бериш куйидагиларни келтириб чиқариши ҳаммага аён: 20.

...душманлик, жанжалкашлик, рашк, жаҳлдорлик, ғаламислик, низолару ҳар хил гуруҳларга бўлиниш, 21. ...айш-ишратга берилиш ва шуларга ўхшаш ишлар. ..бундай ишларни қилувчилар Худонинг Шоҳлигидан баҳраманд бўлмайди.

Ёқуб 4:1 & 8 – 1. Орангиздаги уруш ва жанжаллар қаердан келиб чиқади? Ичингизда жанг қилаётган нафсу эҳтиросларингиздан эмасми?! 8. Эй гуноҳкорлар, қўлларингизни гуноҳдан тозаланглар!

Тавба 9:41 – Енгил бўлса ҳам, оғир бўлса ҳам, кўзғолингиз ва Аллоҳнинг йўлида молларингиз ва жонларингиз ила жиҳод қилингиз. Агар билсангиз, шу ишингиз ўзингиз учун яхшидир.

Анкабут 29:6 – Ким жиҳод қилса, бас, албатта, ўз фойдаси учун жиҳод қилур.

